

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 30-31 (6871-6872)
1998 йил 21 апрель, сешанба

Сотувда эркин
нархда

Менинг биринчи ўқитувчим

ЮРАГИМНИНГ ГУЛИ

Менинг биринчи ўқитувчим Гулчехра опа буладилар. Мен у кишини жуда-жуда севаман ва ҳурмат қиламан. Гулчехра опа бизга билим, унга қушиб меҳр берадилар. Шу сабабдандир устозим юрагимнинг энг яқин гулига айланиб қолганлар. Мен Гулчехра опа Нусратовани куёшга ухшатгим келади. Чунки куёш уз нурини бутун оламга таратса, ўқитувчим эса биз ёшларга меҳр нурини еядилар. Мустақил Ўзбекистонимизга фойда келтирадиган меҳнатсевар инсонлар бўлиб етишишимизга тилак билдирадилар. Шунинг учун биз Гулчехра опа айтган йулдан боришга ҳаракат қиляпмиз. Гулчехра опа Нусратованинг курсатажак йуллари доимо порлоқ ва ёруғ, кунгиллари эса саховатга тулиқ.

Бибиражаб НУРУЛЛАЕВА,
Ғиждувон туманидаги 6-мактабнинг
9-«Б» синф ўқувчиси.

Оналар ёзади

ҲАЙДОВЧИННИНГ РАҲМАТИ

Узоқ иккилангандан сунг сенга хат ёзишга киришдим. Гуе узини мақтаяпти, деб уйлама. Меҳр-мурувват бобида ҳар ким ҳар куни яхшилик қилиши керак, деган гап бор.

Ешим 26 да. Иккита фарзандим бор. Уй-халлар куча-қуйда ҳам, мактабда ҳам мени тинч қўймайди: болажонларни қандайдир янгиликлар сари стақлаб кетавергим, уларнинг юрагига меҳр учоғини еқавергим, жажжиларнинг жарангли овозини эшитгим, уларни жур қилиб баралла қуйлатгим келади. Қишлоқ шароитида ишдан сунг чорва учун хашак йиғиш керак. Яқинда фарзандларим билан хашак йиғиш учун йулга отландик. Иккала болам узларининг «Қалдирғоч» қушигини қуйлар, мени эса яна уларга янги халқ қушигини ургатиш фикри чулғаб олганди.

Қизалоғимнинг жон-жаҳди билан менга ёпишиб чириллатган овозидан донг қотиб қолдим. У «Онажон, машина ёниб кетяпти, қаранг», дерди. Не куч билан йулга отилдим, билмайман. Машина эллик чақирим нарида тухтади. Ҳақиқатан ҳам бу машина борт қисмидан, устидаги юки билан ёнарди. Ҳайдовчи тезда тушиб оловга қум сепа кетди. Ёнгин ҳа деганда учмади. Йулловчи машиналар ҳам тухтаб ёрдам қўлларини чузишди.

Ёнгин тухтагач, ҳайдовчининг қизимга айтган «раҳмат»и қулоғим остида жаранлар экан, ҳаяжондан бошим кукларга етган эди. Бу — беш ёшли қизимнинг юрагида инсонлар учун меҳр бисерлигидан эди! Аслида эса бу «раҳмат» мен учун ҳам айрилгандай, тугримми? ..

Гулноз ҲУСЕНОВА,
Қизилтепа туманидаги Шариф
Ражабов номли ўрта мактаб етакчиси.

* * *

«Шафтолизор» маҳалласига кираверишдаги — авваллари дала шийпони вазифасини утаган — эски бино янгитдан таъмирланди. Бу маҳалладаги фарзандлар энди совуқ ва жазирама иссиқларда олис мактабга қатнамайдилар. Уз бағрига 10 нафар ўқувчини олган кур-

кам ва шинам мактабда таълим-тарбия олиш учун барча ш а р о и т л а р муҳайё. Бундан биз ҳам, ота-оналар ҳам беҳад хурсандмиз.

Нилуфар ҲОЛИҚОВА,
Бўз туманидаги А. Темур
номли 7-мактабнинг 8-
синф ўқувчиси.

Жамиятимизнинг ривожланишида табиий бойликларнинг аҳамияти жуда катта. Бу бойликлардан тугри фойдаланиш учун биз болалар нима ишлар қилишимиз керак? Бугунги кунда мактаб, уй, кучамиз атрофини кукаламзорлаштириш, боғлар яратиш жуда муҳим. Яшил

усимликлар ҳаводаги заҳарли моддаларни, чангни узига ютади ва бизга тоза ҳаво ишлаб чиқариб беради.

Атрофдан чиқадиган чиқиндиларни режаланган махсус жойларга ташлаш лозим. Ерга тушган барглари асло еқмаслик керак. Балки шу дарахт ил-

дизига яқин жойдан чуқур кавлаб кумиб қуйилса, улар табиий угитга айланади.

Мактабимиздаги 8 — «А» синфда булган «Оламни асранг» — одамни асранг» мавзусидаги баҳсимиз шу ҳақда эди. 8-«А» синф ўқувчилари уз тенгдошларига табиатни асраб-авайлаш оstonадан бошланишини тушунтирдилар. Бууқувчилар туман буйи-

ча утказилган «Экология» тадбирида ҳам иштирок этиб, биринчи турда биринчи уринни олдилар. Иккинчи турда эса иккинчи урин насиб этди.

Наима ИБРАГИМОВА,
Тошкент шаҳар, Акмал
Икромов туманидаги,
197-мактабнинг
биология-кимё фани
ўқитувчиси.



КЎЧАНИ ЭҚДИМ

Боғимизда тантана,
Эрта тонгдан шомгача.
Чумчуқ қўниб олади
Девор оша томгача.

Қушларнинг ашуласи
Бир-бирига уланар.
Қалдирғоч тугул ҳатто
Булул навбат тиланар.

Қушлар базмига макон,
Бобомлар эккан дарахт.
Узумларни асролмай
Баъзан бувимлар карахт.

Узум етар ҳаммага, —
Дейман бобомдек кулиб.
Мен ҳам кўчат экман,
Дарахтга бола қилиб....

Умида

* * *

Устоз меҳнатининг қадрланиши, улар шаънига илиқ сўз эшитмоқлик шогирдлар учун қувончлидир.

Яқинда Андижон вилояти телевидениеси курсатувлари қаторидан «Зиекор» видеоканали ҳам урин олди. Унда вилоят халқ таълими муассасаларидаги янгиликлар, куп йиллар маориф соҳасида ишлаётган жонкуяр устозлар, ибратли мактаб ва мактабгача тарбия муассасалари ҳақида курсатувлар тайёрланади.

«Зиекор» видеоканалининг тезда назарга тушишида журналист Иброҳимжон Зуфаров, тасвирчи Кенжабек Худойбердиев, видеомуҳандис — Одилбек Мамадалиевнинг изланишлари катта. «Зиекор» зиебонлар учун орзиқиб кутилган курсатув!

Умида ТОШМИРЗАЕВА,
Шоира РАҲМАТОВА,
Улуғнор туманидаги 15-мактабнинг
11-синф ўқувчилари.



«Одамлар-у одамлар, эшитмадим деманглар. Бугун мустақил Ўзбекистонимизнинг пойтахти Тошкентдек шаҳри азимда катта тўй. Барча-барчани Тошкент шаҳар хокими яти биносига таклиф этамиз, 60 боланинг суннат тўйига марҳамат!..»

Бу овоз пойтахтимизнинг қоқ марказида янгради. Наврўз кунлари уюштирилган бу тадбирга «Наврўз» халқаро хайрия жамғармаси, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, «Меҳр-шафқат ва саломатлик», «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Болалар» жамғармалари хомийлик қилишди.

Тошкент шаҳар хокимияти биноси майдончасида кар-



най, сурнай, ногора садолари янграб, одамларни тўйга чорлай бошлади. Бу ерга пойтахтнинг турли туманларидан уч ёшдан ўн ёшгача бўлган ўғил болалар оналари, бувилари билан кела бошлашди. Улар зар чопон, укпарли дўппи кийиб ясанган эдилар. Майдончада тўй болалар сурнай ногоранинг шўх садоларига рақс тушдилар. Сўнгра барча байрамона безатилган, тўкин дастурхон билан тузатилган мухташам кошонага таклиф этилди. Тантанали кечани Тошкент

бат туйғуси жўш ураётганини сезиш мумкин. Улар эртанги курувчи, шифокор, олим, ўқитувчи, боғбонларимиздир. Бу болалар эртанги комил инсон бўлиб улғайгач мамлакатимиз довуғини жаҳонга ёйиши шубҳасиз.

Гулнора ЙЎЛДОШЕВА,
«Соғлом авлод учун» республика хайрия жамғармаси раиси:

-Менимча дунёдаги энг болапарвар халқ бизнинг ўзбеклар бўлса керак. Улар сиз бирор маросим ўтмайди.



«ТОЙЧОҚ ВЎЛИВ ЧОЛИВ ЮРГАН ТЎЙ ВОЛА»...

шаҳар хокимининг биринчи ўринбосари Адхам Миржалилов очиб, тўй болаларни Наврўз байрами, ҳамда болаларнинг суннат тўйи билан табрикларди. Тўй болаларнинг ҳар бирига 2000 сўмдан имтиёзли омонат дафтарчалари

топширди. Зеро бу болалар ё отасиз ё онасиз қолган қариндошлари, яқинлари кўлида тарбияланаётган гўдаклар эди. Бу суннат тўйига хомийлик қилган ташкилотлар раҳбарлари ҳам тўй болаларни табрикларди.

Шабот Хўжаев, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси раиси:

-Болаларга меҳр-мурувват кўрсатиш элимизда азал-азалдан одат. Уларнинг қалбига кулоқ солсангиз унда шу азиз Ватанга, элга мухаб-



Қолаверса суннат тўйлари жуда қадимдан мавжуд. Соғлом авлодни тарбиялашда салмоқли ишлар амалга оширилаётган юртимизда етим болаларнинг суннат тўйининг ўтказилиши яна бир қадамдир. Соғлом авлод деганда нафақат жисмонан бақувват, балки маънан юксак, кўхна кадриятларга ҳурмат назари билан қарайдиган ёшлар тушунилади.

Калон ШОДИЕВ,
«Наврўз» республика хайрия жамғармасининг Тош-

кент шаҳар бўлими раҳбари:

- Наврўз меҳр-мурувват, оқибат кўрсатиш палласидир. Бундай дамларда етим-есир қабиларга таскин бериш, уларга бир лаҳзалик бўлсада, шодлик улашиш эзгу амалларни бизга ота-боболаримиз мерос қолдириб кетишган. Бу йил оила йили. Бунда асосий эътибор оилаларнинг моддий жихатдан фаровонлигини маънан юксаклиги, ҳуқуқий билимдонлигини таъминлашга қаратилган.

Суннат тўйида Абдулхай Каримов ижросидаги «Тўй бола» кўшиғи даврага ажиб завқ берди, Нодира Қурбонова раҳбарлигидаги болалар вокал дастаси, қизиқчи Мирза Холмедов, Сайёра Қозиевнинг чиқишлари бар-

ни бизга ота-боболаримиз мерос қолдириб кетишган. Бу йил оила йили. Бунда асосий эътибор оилаларнинг моддий жихатдан фаровонлигини маънан юксаклиги, ҳуқуқий билимдонлигини таъминлашга қаратилган.

Суннат тўйида Абдулхай Каримов ижросидаги «Тўй бола» кўшиғи даврага ажиб завқ берди, Нодира Қурбонова раҳбарлигидаги болалар вокал дастаси, қизиқчи Мирза Холмедов, Сайёра Қозиевнинг чиқишлари барозуқа сифатида фақат тут баргини танлар экан... Эҳтимол, ипак курти ростдан ҳам ўз ҳаёти учун фойдали ёки зарарли нарсаларнинг фарқи борса ажаб эмас. Лекин, «кумуш тола» мамлакатимизга ниҳоятда зарур эканини биладиган айрим газчилар нима учун қирчиллама қиш пайти одамларни иссиқлик манбаидан маҳрум этдилар экан?!

Дадам шу кунларда қуртхоналарни мавсумга хозирляптилар. Биз яқинда уйимизга икки қути қурт уруғи келтирамиз. Қуртлар чумолидек бўлгунча бир илож қилиб боқшимиз мумкин. Қурт даҳага киргандан кейин эса... чопқимизни белбоғимизга кистириб олиб, қишлоқма-қишлоқ тут излаб сарсон бўлишимиз турган гап. Мен ўқув йили охирларида мактабга

чага манзур бўлди.

Тўй болалардан бири Дилшод Мирусмонов пойтахтнинг Юнусобод туманида истикомат қилади. Бу ерга онаси ва бувиси билан келган. Хозир у 1-синфда ўқийди. Дилшод билан суҳбатлашганимизда у келажакда милиционер бўлишини, уларнинг чиройли кийимларини кийиб, йўл ҳаракати қодаларини бузганларни чулдурок хуштак чалиб тартибга чақириш ишини орзу қилаётганини айтди.

Саидамал Аҳмедов эса Сирғали туманида онаси билан яшайди. Хозир ёши бешда. Гарчи ўқиш ва ёзишни билмаса ҳам самокат учишда ҳеч кимдан қолишмас экан. Улардан ташқари Равшан, Обиджон, Сардор, Жаҳонгир, Ботир, Усмон ва бошқалар ҳам ё отасиз ё онасиз қолганлардан. Аммо уларнинг қайси бирлари билан гаплашманг, ҳар бири эртанги порлоқ кунимизга ишонч кайфияти билан улғайишаётганининг гувоҳи бўласиз. Чунки улар мустақил давлатимиз, болажон халқимиз оқибатли одамларимиз меҳрига қониб камол топишмоқда.

Абдумалик АБДУРАХМОНОВ.

Катталар, эътибор беринг

ҲА ДЕМАЙ ТУТ ПИШАДИ

ди. Шу боис одамлар газ печкаларини зудлик билан ўтин ёқишга мослаб, хўжалик ерларидан тутларни паққос кесиб келиб, ёқавердилар. Аксарият пайкаллардаги тутлар белидан кесилган экан. Хатто қачон экилганини бобом ҳам аниқ билмайдиган улкан марварид тутлар ҳам кесилиб кетди. Қиш мобайнида ҳеч ким: «Хой, одамлар, тутларни кесманглар! Ахир, баҳорда ипак қуртини нима билан боқамиз?!» деб айтмади. Шу кунларда пиллакорларнинг боши қотган: нима қилмоқ керак? Қизиғи шундаки, ҳозир уйимиздаги газ-

ўчоқларда бир қулоқ балан-дликда зангори олов гуркираб ёнмоқда. Демак, қишда ҳам газ захираси мавжуд бўлган, фақат газ қувури тикилиб қолган ёки қайсидир нуктада атайлаб берки-тиб қўйилган эди. Қишда нима учун газ келмай қолганини биров ишонарли тарзда тушунтириб берма-ганди. Хозир эса ипак курти тутдан бошқа дарахтнинг баргини нима учун емасли-гини одамлар бир-бирига ту-шинтиришмоқчи бўлишя-пти. Эмишки, тут баргининг таркибида ипак моддаси се-роб бўлар экан. Шу сабаб, ипак курти ўзига керакли

ҳам бормай қўйсам керак. Чунки, кечани -кеча кундузи кундуз демай қуртга барг қидирадиган дадамга дастёрлик қилмасам уят бўлади. Бувим айтмоқчи, севим дўриллаб йигит бўлиб қолдим, энди дадамнинг кўлидан ишини олишим керак. Шукрки қиш-қировли кунлар ортда қолди. Агар бизнинг қишлоқдаги белларидан чўрт кесилган марварид тутлар бу йил пишмаса, бошқа қишлоқларда кесилмаган тутлар албатта пишади.

Қизик, Фарғонадан ташқаридаги пиллакор қишлоқларда ҳам тутлар кесилиб кетдикини, ёки газчилар одамларга химмат кўрсатишдикини?..

Тўхтасин БОТИРОВ,
Бувайда тумани
9-«А» синф
ўқувчиси.

Мен Ёзёвон йўлининг бошида яшайман. Қишлоғимиз далаларида плёнка остига экилган. ғўза кўчатлари чин барг чиқарди. Аммо пайкал четларидаги тутзорлар ҳамон боши кесилган полвонга ўхшаб қаққайиб туришибди. Чунки ўтган йили кеч кузда хонадонларимизни исгадиган табиий газ бирдан тўхташиб қўйилди. Биз қишга кўмир, ўтин ҳозирлаб қўймаган эдик: уйда газ ўчоқ бор бўлган ҳамқишлоқларимиз ҳам бир неча йилдан бери кўмир тўғрисида бош қотиришмасди. Бироқ, 1998 йилнинг Наврўз байрамига қадар бирорта уйда газ ёнмади. Ўчақишгандек, қиш қаттиқ келди, бир неча марта қалин қор ёғди, ҳафталаб осмонда йилт этган қуёш кўринма-

ҚАЛҚОН КЎТАРИБ ЁКИ ҚАЛҚОН УСТИДА

Афсона қилишларича, Горго исмли спарталиқ аёл уз углини урушга кузатаётиб, унга қалқон беради ва «қалқон кутариб ёки қалқон устида кел!», — дейди. Бу — ё ғалаба билан қайт, ёки... Ҳа, уларда жангда мардларча ҳалок бўлганларни қалқон устига қуйиб келтириш одати бор эди.

Ватан урушига биринчилардан бўлиб отланган Файратнинг отасини ҳам боси ана шундай тилаклар билан кузатганди. Урушдан

Режиссура ниҳоятда оғир, масъулиятли ва шу билан бирга шарафлик касб, деб ёзганди санъатшунос Тошхўжа ХУЖАЕВ. Узини тарбиялашга кучи етмаган одам, бошқаларни тарбиялай олмайди. Уз-ўзига ҳаммиша танқидий муносабатда бўлиш, тинмай изланиш, энг муҳими, кишиларни тарбиялаш учун ўзи тарбияланган бўлиши керак!

бир кузи, бир қули ва бир оёғидан айрилган ҳолда, аммо қаҳрамон бўлиб қайтган ота Тошкентнинг Бодомзор маҳалласидаги уйида бир этак болалари билан бахтиёр эди. Шулардан бири Файратжон отасига энг яқин ёрдамчи, суянчиқ бўлди. Мактабдаги ўқишини охирига етказмасдан, 1959 йилда телевидениега режиссёр ёрдамчиси бўлиб ишга кирди. Файрат — гайратли бола чиқиб қолди, дейишди УзТВ ижодкорлари. Кундузи ишлаб кечки мактабда ўқишини давом эттирди...

Халқ маорифи аълочиси,

хрланиб қолди. Олган гонорарларимиз-қалам ҳақиға қуғирчоқлар сотиб олдик. Ва телевизион қуғирчоқ театрини ташкил қилдик, — деди Файрат ака. Уша вақтларда телевидение эндигина ташкил этилган эди. Устозларимиз бу ишимиздан жуда хурсанд бўлишди. Акмал Ҳайдаров, Шукурулло Шодиев, Тоҳир Муллабоев, раҳматли Турсунбой Йулдошев, Маҳсума Саъдуллаевалардан биз ҳалол ишлашни, меҳнаткашлиқни ургандик.

Акмал ота ҳар бир курсатувларимизга бош-қошлар. Биздан уз маслаҳату, наси-

МЕҲРИБОН ОТА, ҚАТТИҚҚЎЛ РАҲБАР

Файрат аканинг тўрт фарзанди бор. Умр йулдошлари Иноят опа куп йиллар Тошкент вилоятидаги 34-мактабда ўқитувчилик қилдилар. Касблари турлича булса-да, уларнинг мақсадлари, интилишлари бир бўлди: болажонларни билимдон қилиш, Ватанга, жамияту, табиатга меҳр уйғотишдан иборат эди.

Файрат аканинг қизлари Шоҳистахон ҳам ҳозирги кунда «Болалар» Бош муҳарририятида муҳаррир бўлиб ишлапти. «Кузгу» курсатувини тайёрлапти.

— Шоҳиста, — дейди гуруҳ раҳбари Тоҳир Муллабоев, — энг қобилиятли, ижодкор муҳаррирларимиздан бири. Келажакда ундан умидимиз катта. Худо хоҳласа, яқинда Шоҳистани малака ошириш учун чет элга юбориш арафасидамиз.

Шоҳистадан отаси — Файрат ака ҳақида гапириб беришини сураганимизда, дадамнинг қўлларидан ҳамма иш келади, — деди у. Ишхонада ҳам, уйда ҳам ҳеч бекор утирганларини курмаганман. Ҳамиша бир фойдали иш билан машғул буладилар. Уйимизда эса бирорта яроқсиз буюмни тополмайсиз. Ҳатто касбдошларимиз ҳам бузилиб қолган қайнатгичми, дазмолми, ишхонага кутариб келишадди. Энг қизиги уларга қўллари «тегиши» билан ҳаммаси ишлаб кетади.

Дадам яхшигина пазандалар ҳам. Улар тайёрлаган таомларни меҳмону, меҳмон мазза қилиб танаввул қилади.

Болаликка содиқ инсонлар



Ишхонада эса ута талабчан, қаттиққўл раҳбарлар...

ҲАЁТ ЙЎЛЛАРИДА — ТАЯНЧ

Қирк йил болалар учун курсатувлар тайёрлаб зерикмаган инсон қалби боладек бегубор, узи эса боладек самимий бўлиб қолар экан.

Шунинг учун ҳам улардан:

— Болалардаги қайси фазилатларни қадрлайсиз? — деб сурадик.

— Тўғри сузликни ва албатта илмга чанқоқликни, — дедилар.

Чунки, тўғрилиқ — яхшилиққа етаклайди. Илм эса — саҳрода дуст, ҳаёт йўлларида таянч, ёлғизлик дамларида — йулдош, бахтиёр дақиқаларида — раҳбар, қайғули онларида мадакдор, одамлар орасида зебу-зийнат, душманларга қарши курашда — қуролдир. Тўғрими? Донишманд топиб айтган-а? — қизим, — дедилар қулиб.

Сизга қулғу жуда ярашар экан, Файрат ака! Қулиб, гузал курсатувларингиз билан бизни ҳам қулдириб юринг!

Феруза ОДИЛОВА

СУРАТДА: Файрат Шокиров ҳамкасби Тоҳир Муллабоев билан болалар даврасида.

Сураткаш
Р. АЛЬБЕКОВ



«Болалар» бош муҳарририятининг олий тоифали бош режиссёри Файрат ака Шокиров билан суҳбатимиз бироз қийинроқ кечди. Сабаби, бу инсон ута камтарин, узи ҳақида гапиришни купам ёқтир-авермайдиган инсон экан. Шундай булса-да, биз уларни гапга тутавердик.

ҚАЛАМ ҲАҚИГА ҚЎҒИРЧОҚ

— Илк бор «Бойчак» курсатувини эфирга узатдим. Бу менинг ҳаётимда бир умрга му-

ҳатларини аямайдилар:

— Муҳаммад Пайғамбаримиз атрофдагиларга — орангизда энг кучли ким? — деб савол берибдилар.

— «Курашда ҳаммани мағлуб этган киши энг кучлидир».

— Йўқ. Жаҳли чиққанда вазминлик билан узини босиб олган киши энг кучлидир. Акмал ота ҳадислар билан, панду насиҳатлар билан бизни ижодга рағбатлантирдилар...



ҚОБИЛИЯТИМИЗНИ СИНАДИК

Учинчи чорак узоқроқ давом этган булса-да, биз уқишдан чарчаб қолмадик. Сабаби мактабимизда бир-бирдан қизиқарли мусобақалар, куриклар бўлиб турди. Шундай куриклардан

бири «Ким чиройли расм чи-зади?» мавзусида бўлди. Унга синфимиздаги ҳамма бола-лар иштирок этиб, уз қоби-лиятларини синаб курдилар. Ҳамма узи танлаган эркин мавзуда расм чизиб ўқитув-

чимиз Мухтор ака Исхоқов-га топширди ва синфдошларимиз орасида Ж. Асрорку-лов голиб деб топилди ва у мактаблараро кейинги ку-рикларга қатнашиш ҳуку-кини олди.

**Юлдуз ҲАКИМОВА,
Сирдарё вилояти
Ховос тумани
6-мактабнинг 5-синф
ўқувчиси.**

БАҲОРОЙ — МАКТАБИМИЗ МЕҲМОНИ

Улкамизда Навруз шо-диёналари давом этаётган. Бизнинг мактабда Навруз байрами бу йил узгача баҳор-ий кайфиятда нишонлан-ди.

Даврани гузал Баҳорой би-лан Деҳқон бобо олиб бо-ришди. Латофат опа Юсупо-ва раҳбарлик қилаётган хор дастаси ва биринчи синф ўқувчиларининг ранг-баранг чиқишлари концерт дасту-рига файз киритди. Юқори синф ўқувчилари узбекона урф-одатларимиз ҳақида тайёрлаган театрлаштирил-ган томошалари барчага ман-зур бўлди. 10-11 синф қизла-ри «Балли, қизлар» куригида беллашдилар.

Мактаб раҳбари Абдугани ака Тухтамурадov йиғилганлар-ни айём билан кутлаб, кечани тайёрлашда жонбозлик курсат-ган ўқитувчиларга миннатдор-чилик билдирди.

Байрам иштирокчилари ва меҳмонларни Баҳорой билан Деҳқонбобо мазали сум-лак билан сийладилар.

**М. ФАЙЗИЕВА,
Тошкент шаҳар
А. Икромов туманидаги
236-мактаб ўқувчиси**

УЧИБ ТУРНА, ҒОЗ БИЛАН

Уч уртоқ — Шаҳзода, Анара, Севаралар кунгирокдек овозда жа-ранглашиб шеър ўқирдилар:

**Кўлларида соз билан,
Гул-гунча пардоз билан,
Силкиниб, парвоз билан,
Учиб турна, ғоз билан
Севикли баҳор келди!**

Шу пайт баҳор гуллари ила безатишган даврага либослари ол-ча гулларидек нафис, сочларидаги толбаргаклари бирам ярашган қи-залок — БАҲОРОЙ кириб келди. Барча меҳмонлар бу фасллар мала-гини қувониб, қарсақлар билан кутиб олди. Жарангдор шеърларга куйи кушиқлар, жозибали рақе-у томошалар уланиб кетди...

Шу кунни пойтахтдаги «Нав-руз» болалар боғчасининг Дилло-ра Мусаева раҳбарлик қилаётган тайёрлов гуруҳи кичкинтойлари кунгилларни болаларча бегубор, самимий туйгулағга ошно қил-ишди.

Дилрабо ДАВЛАТОВА



Ассалому - алайкум «Тонг юлдузи!» Мен Раҳима Отамирзаева Хоразм вилояти, Шовот туманидаги Қори-Ниезий номли урта мактабда 18 йилдан буён болалар ва усмирлар етакчиси вазифасида ишлаб келмоқдаман. Оилалиман, 3 та фарзандим бор. Менга мана шу газета ўқувчилик давримдан то ҳозиргача энг яқин дуст, мас-лаҳатчидир. Ҳар бир сонини уз фарзандларим ҳам мак-табдаги ўқувчилар би-лан биргаликда жуда севиб ўқиб, муҳокама қилиб борамиз. Сизлар-га бу мактубни она ҳам-да етакчи сифатида ёзаяман. Шунча йилдан буён шу газета билан дустман, лекин бирор марта ҳам сизларга уз ишларимиздан ёзмаб-ман. Газета саҳифаларида ёритилиб бориладиган иш-ларни мактабимиз ўқувчилари ҳам қилади, улардан ҳам чиройли қилиб утказдилар, шуларни ёзиб юборсак, сизлар албатта ёзиб чиқарардингизлар. Газета саҳифала-рида Хоразмдан ёзилган мақолалар онда-сонда чиқади, бу албатта узимизнинг қизиқмаганимиздан, деб уйлай-ман. Негадир сизларга ёзгим келаверди.

Мана, 1998 йилдан бери чиқаётган газетадан жуда куп нарсаларни урганаёмиз. Янги - янги саҳифалар билан бойиб бораётган газета учун сизлардан чексиз миннатдоримиз.

Бизнинг Бекжон Қозоқов номли бошлангич жамоа аъзолари ҳам Ўзбекистон Болалар ва Усмирлар «Ни-ҳол» ташкилотининг «Асосий йўналишлари» буйича иш олиб бормоқдалар. Масалан, октябрь ойида имко-ниятга қараб «Гунча», «Гулхан» ва «Тонг юлдузи» га обуна бўлдик. Қатор тadbирлар ҳам утказдик. Жумла-дан, устозларимиз байрамини, Хива шаҳрининг 2500 йиллигини, болалар шоири Қ. Муҳаммадийнинг 90 йиллиги муносабати билан утказилган тadbир ва ку-рик-танловларни айтиб утмоқни жоиз деб билдим. Айниқса, курик-танлов жуда қизиқарли бўлиб, унда 3-«А» синф ўқувчиси Санжар Бекчанов, 2-«Б» синф ўқувчиси Содиқжон Одамов, 1-«А» синф ўқувчиси Зубайда Отажонова, 4-«Б» синф ўқувчиси Камол Жуманиезовлар голибликни қулга киритиб, мактаб маъмурияти томонидан совғалар билан мукофотлан-дилар.


3 декабрь — Халқаро Ногиронлар кунини уйда ўқитиладиган 5 нафар ногирон ўқувчиларимизни ота-оналари билан биргаликда мактабга таклиф қилиб,

чиройли дастурхон ва совғалар билан кунгилларини бироз булсада кутаришга ҳаракат қилдик. Хуллас, мактабда «Алифбе» байрами-ю, буюк шоир бобо-миз Алишер Навоийнинг таваллуд кунларига ба-ғишланган кечаларгача, Ватанимиз посбонлари ку-нига бағишланган «Балли йигитлар» беллашуви-ю, 8 -март хотин қизлар кунига аталган «Ибрат-ли қиз» курик-танлов-гача бўлиб ўтди.

Яқинда Наврузга ба-ғишланган байрам дасту-римиз ўқувчилари-мизнинг миллий қад-риятларимизни янада купрок, янада теранроқ англаётганлигини кур-сатди.

Ёзаверсам, гап куп, лекин кеч ёзаяпман-да. Мен мана шу газета саҳифаларида мактабимиз ўқувчиларининг фаолиятлари ҳақида қувониб, бо-лалар даврасида ўқисам, деб орзу қиламан, энди ўқувчиларим ҳам сизларга ҳаяжон, қувонч билан ҳаётидаги янгиликларини ёзиб юборишади.

**Раҳима ОТАМИРЗАЕВА,
Хоразм вилояти, Шовот туманидаги Қори-
Ниезий номли мактабнинг бош етакчиси.**



ОЛИЙҒОҲГА САФАР

Баҳорги таътил кунлари ли-цейимизда намунали ташкил этилиб, инглиз тили, кимё, ада-биёт, математика, ЭҲМ, био-логия фанларидан тугараклар ишлаб турди. Ўқувчилар Ўзбе-кистон Республикасининг Дав-лат тест маркази томонидан чиқарилган «Ахборотнома»ни-нг 1998 йил сонларини урга-ниб, ундан унумли фойдалан-дилар.

Яна бир гуруҳ ўқувчиларни-нг ёдида қоладигани, бу Анди-жон Давлат Халқ ҳужалиги олийгоҳига уюштирилган саё-хат бўлди.

Олийгоҳ ўқитувчи ва ўқувчи-лари бизларни илиқ кутиб ол-дилар. Ўқитувчи Холдоржон Қаюмов олийгоҳ қошида таш-кил этилган лицей билан та-ништирди. Лицей ўқув хонала-ри, кутубхона, ётоқхоналарини айланиб, ўқувчиларимиз уерда таълим олаётган тенгдошлари-га ҳаваслари келди.

Олий тоифадаги математи-ка ўқитувчиси Турсунбой ака Абдурахмонов ўқувчиларимиз билимини синаш мақсадида алоҳида тест вариантларидан тузилган мисол ва масалаларни ечишга бердилар. Меҳмон-ўқув-чилар билими устоз томони-дан «яхши» баҳоланди. Ҳар



қалай уялиб қолмадик. Синов-дан кейин бир пиёла чай усти-да олийгоҳ ва лицей профес-сор-ўқитувчилари билан давра суҳбати ҳам болалар ёдида сақ-ланадиган бўлди.

Куннинг иккинчи ярмида шаҳарни айландик, Бобур му-зейини томоша қилдик, кутуб-хоналарга бордик.

Сафаримизни кунгилли ут-казишда ва уни ташкил қилиш-да оталиқ ташкилотимиз бул-ган «Мингбулоқнефть» корхо-наси бизга катта ёрдам курса-тди.

Чортоқ иқтидорли болалар лицейи ўқувчилари улардан миннатдор.

**Маҳмуджон САЙРАМОВ,
Наманган вилояти
Чортоқ иқтидорли
болалар лицей
ўқитувчиси.**



ЁШ ИҚТИСОДЧИ

YOSH IQTISODCHI

“Тонг юлдузи”га илова
иқтисодий газета



ҲАР БИР КУНИ НАВРЎЗ, БУ ЮРТНИНГ

Баҳор қиёмига етаверган сари, Наврўз сайиллари янада авж олаверади. Республика ижтимоий йўналишдаги махсус гимназия томонидан юборилган Наврўз айёми тантаналарига таклифномани олдимиз, апрелнинг 18-санасини интизорлик билан кутдим.

Мана ўша кун. Манзилга яқинлашяпману, хаёлим ўтказилажак байрамда. Ўзимча ўқувчиларнинг бирин-кетин саҳнага чиқиб, шеър, кўшиқ айтишларини тасаввур қиляпман.

Мактабга кириб, байрам қаерда нишонланишини сўраганимда, ҳовли томонни кўрсатишди. Ўтдимиз, ханг-манг бўлиб қолдим. Ҳовли - каттакон очик концерт залига айланган эди. Саҳнага кўшкўш зардеворлар тутилган. Атрофда гуллар чаман-чаман. Меҳмонлар, томошабинлар учун махсус ўриндиқлар қўйилган.

Байрам Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси ижроси билан бошланди. Гимназия директори Абдусалом Умаров меҳмонларни байрам билан самимий табриклаб, ҳаммага яхши ният билдирди.

Тантанана Халқ таълими вазири ўринбосари Муртазо Султонов, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ректор муовини Баҳодир Хўжаев, ЮНЕСКО вакили, франциялик жаноб Пиано, Қирғизистондан вакиллар ва бошқа меҳмонлар ташриф буюришди.

Бошловчилар: 9- “А”



СИЗ МЕЗБОН, БИЗ - МЕҲМОН БЎЛГАНДА...

синф ўқувчиси Шавкат Акмалов, 10-“А” синф ўқувчиси Талина Ҳисамова кечани ўзбек ва инглиз тилида олиб бордилар. Рақсга тушаётган қизларнинг махсус тикилган кўйлақлари, уларнинг ҳатти-ҳаракатлари одамни ҳайратга солиди.

Камола Усмонованинг тожикча, Маҳмуда Маҳму-

дованинг арабча, Татьяна Мараимованинг хоразмча рақслари, бир гуруҳ юқори синф ўқувчиларининг Наврўз рақслари байрам кўркига кўрк кўшди

4- “А” синф ўқувчилари Гулноза Фуломова ва Малика Муҳамедхоновалар инглиз тилида ёдлаган шеър-

лари ҳаммага ёқди. Жамшид Носировнинг Наврўз кўшиғи қалбларга илиқлик олиб кирди. Бир пайт сукунат чўқди-да, саҳнага Амир Темур (Отабек Миробоев), Алишер Навоий (Илҳом Душаев), Бобур (Жаҳонгир Умаров), Нодира (Саида Рашидова), Абдулла Қодирий (Ҳожиакбар Одилқориев) бир-бир кўтарилиб, ҳикматли гаплар, панду насиҳатлар, ўғитлардан сўйладилар.

2- “А” синф ўқувчилари Умида Юсуфзода “хумо қуши”, Нигина Раҳимова “Оқ қуш” рақсини ижро этганларида кўкка парвоз қилгандай бўлишди, гўё. Яқунловчи рақсларни “Ялла” гуруҳининг “Ўзбекистон-Ватаним” кўшиғига композиция ижросида тайёрланибди.

Таассуротларимни ичмига сиғдирилмай, байрам

ташкilotчиларидан бири, тил ва адабиёт ўқитувчиси Гулнора Эшонкуловага юзландим.

- Биласизми, бизнинг жамоа жуда иноқ ва тиришқоқ, - дейди Гулнора опа. - Илмий ишлар бўйича мудир Зироат Ёрматова, тарбиявий ишлар бўйича директор муовини Нодира Оловудинова асосий ташкilotчиларимиз. Улар бор кучларини, эътиборларини шундай тадбирларга қаратадилар. Яна тил ва адабиёт метод бирлашмаси аъзоларидан Ш. Тошмирзаева, С.Содиқова, М.Баҳромова, М.Маратовалар катта ёрдам бердилар. Қизларимиз Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Гулнора Жўраева раҳбарлигидаги рақс тўғарагига қатнайдилар. Шунинг учун ҳам уларнинг ижроси пухта. Яна ашула дарси ўқитувчиси Раъно Толипова Ўзбекистон, Ватан, Наврўз, Сумалак кўшиқларини ўргатдилар. 2-синф ўқувчи қизлари учун махсус кўйлақларни эса Рушана Султонова тиктириб келган.

Ўзингиз кўрдингиз, ўзбек миллий чолғу ансамбилимиз ҳам яхшигина шаклланган. Куйларни маромига етказишади.

Таассуротларимга андармон бўлиб турсам “сумалакка бормайсизми” деб қолди Гулнора опа. Бир кун аввал сумалак бошлашган экан. Тантана ҳаммага сумалак улашиш билан якунланди.

Муҳаррама
ИКРОМОВА.



БЕҲЗОДНИНГ БОҒЧАСИДАГИ БАЙРАМ

Эрта тонгданоқ ойнага қараб зар чопонлару салла кийиб ўзига оро бераётган Беҳзодбекнинг қувончи чексиз эди.

- Хола, сиз ҳам боринг боғчамизга.

- Вой, мен нима қиламан?

- Бугун боғчамизда катта байрам. Наврўзни нишонляпмиз. Жон хола, сиз ҳам томоша қилинг.

Узоқдан эшитилиб турган карнай-сурнай овозлари ҳаммага кўтаринки руҳ бағишлаб, байрамга чорлаётган эди. Саҳна жуда чирой-

ли безатилган. Гулларнинг муаттар ҳиди атрофни буркаган.

- Наврўз - қутлуг сўз, кўнглимиз майли ва сайли. Бу байрам табиатнинг жонланиши, янгилиниши, гўзал Баҳор фаслининг кириб келиб, келинчакдек ўз яшил сепини кенг ёйиши билан бошланган - деб бошлади боғча мудираси Мунира Аҳмедова. - Шундай экан, байрам дастурхонига марҳабо, азизлар!

Шу пайт саҳнага Наврўзой ва Баҳорой кириб келди.

- Наврўзой, ҳамма жойда байрам

кезиб юрибди. Одамларнинг чеҳрасидаги севинчларига бир қара. Юр, биз ҳам шерик бўлайлик.

Наврўзой ва Баҳорой Аловиддиннинг учар гиламчасига ўтириб саёҳатга йўл олдилар. Кўҳна Самарқанд шаҳрида болалар турли оммавий байрам ўйинлари - от ўйин, чиллак, лапар, арқон тортишиш ўйинлари билан машғул эдилар. Бухородаги кураш, хўроз уриштириш каби мусобақалар ҳаммага зўр завқ-шавқ бағишлади. Андижондаги аскиябозлик байрамни янада жонлантirdи. Марғилондаги дор ўйини-чи?! Айниқса, сумалак пишириш билан овора бўлган

болалар, бу таомнинг тайёрлаш удумини барчага яна бир бор эслатишди. Қизлар эса сурпаларни ёзиб, тандирда патир нонларни ёпиб дастурхонга тортишди.

Ҳа, рост гап. Буларни болаларнинг ўзлари ижро этишди. Боғча мудираси эса байрам саҳнасига ҳамма шарт-шароит, безаклар яратиб берди. Чиндан ҳам Беҳзод тасвирлаганидек, оддий боғча эмас, ажойиб боғча экан. Истасангиз, Мирзо Улуғбек туманидаги 504-сонли боғчага сиз ҳам ташриф буюринг.

Мунира УММАТАЛИЕВА.



МУЖДА

ОТА-ОНАГА ҲУРМАТ

Болалар! Ота-онани ҳурмат қилиш, улар олдида одоб билан туриб хизматларини бажариш ҳаммамизнинг вазифамиздир. Ота-оналарингизни ранжитадиган сўзлар айтишдан, кўнгилларини қолдирадиган ишлардан доимо сақланинг.

Ақлли болалар ота-оналарини ҳурмат қилиб, кучлари етганича уларга хизмат қиладилар. Ёмон сўз айтишдан, аччиқланиб қарашдан ўзларини сақлайдилар. Ота-онага қандай хизмат қилиш ҳақида, сизларга кичик бир мисол келтирамиз.

Бир киши кечаси уйқудан уйғониб, ўғлидан "Сув бер!" деб сўради. Ўғли сув олиб келгунча, отаси яна ухлаб қолган эди. Ўғли: "Отам балки уйғониб яна сув сўраб" - деб ухламасдан отасининг уйғонишини кутиб, тонг отгунча ўтирди. Мана болалар, одобли, тарбияли бола, шундай бўлади. Ота-оналарингизни иззат-ҳурмат қилишга, уларнинг олқишларини олишга ғайрат қилинг. Ҳар бир бола ота-онаси қилган насиҳатларни жон қулоғи билан эшитиб, унга ҳар вақт амал қилиши керак. Ота-онасига озор бериб, уларнинг дилларини оғритадиган бола бахтли бўлмайди.

Раъно АКРОМОВА.

"Китоблар бизни яхши жамият сари етаклайди, бизни барча замонларнинг буюк алломалари билан таништиради", - деган эди инглиз ёзувчиси С.Смайлс.

Анча-мунча китоблар ўқиганман, шуларнинг ичида Файбуллоҳ Ас-Салом ва Сайди Умрнинг "Толибнома" китоби алоҳида ажралиб туради. Бу асар муаллифларнинг узоқ йиллик педагогик кузатишлари асосида яратилди. Унда талабалар билан баҳс-мунозаралар, ахлоқ-одобга доир ривоятлар, юз берган ҳаётини воқеалар баён этилган.

Мана бу парчага эътибор беринг: "Мен ҳар йили биринчи сабоқда

ўз студентларимдан сўрайман: - Илмий, диний, бадиий, публицистик асарларни ўқийсизларми?

Улар кундалик дарслар ҳаддан ташқари кўплиги, ўзларидан ортмаётганликларини, китоб мутолаасига вақт етишмаётганидан шикоят қилиб, чувиллашиб кетади. Мен уларга шундай воқеани сўзлаб бераман. Университетда беш йил давомида атиги бир фандан тўрт баҳо олганман. У ҳам бўлса жаҳон адабиётидан. Домламит профессор Раҳим Муқим асосий назарий сабоқдан ташқари, 78 номдаги бадиий асарларни ўқишни қаттиқ тайинлаган эди.

МЕНИҢ СЕВИМЛИ АСАРИМ

Камина 75 та ишни ўқиб, мазмунини бир неча катта дафтарга номма-ном ёзганимга қарамай, "яхши" баҳо қўйган. Бунинг оқибатида мен тўртинчи босқичга ўтаётганимда махсус имтиёзли стипендиядан маҳрум бўлганман.

Узоқ вақтларгача домладан хафа бўлиб юрдим. Чунки оилали бўлганим боис, маошим каммайиб, рўзғор тебратишда қийналиб қолганман. Нафисламбрини айтганда, ўша домла тўғри иш қилган деб ҳисоблайман. Негаки, маърузачи жиддий талаб қилмаса, талабалар фақат дарс билан чекланиб, бошқа китоб

ўқимай қўяди". Ана, кўрдингизми, азиз ўқувчилар, "Толибнома" китоби жуда қизиқ-қизиқ воқеаларга бой.

Биз киммиз ўзи? Ватан туйғуси нима? Бизни оқ ювиб, оқ тараган ота-онамизнинг қадрини билламизми? Синчковмизми? Инсоннинг дунёга келишидан мақсад - вазифа нима? Талабалик одобига нима? Талабалик одобига нима? Жаҳият олдигаги бурчимиз нима?

"Инсонийлик ўзликни англашдан бошланади", - деган эдилар улуг бобокалонимиз Мирзо Абдуқодир Бедил. "Толибнома" асари ҳам биз, ёшларга шу йўлда қўйилган муҳим қадам бўлади.

Нур Али БЕК.

НАМАНГАНЛИК ЁШ ФУТБОЛЧИЛАР ФРАНЦИЯГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИШДИ



Куни кеча Тошкент Аграр университетининг спорт мажмуида бўлган мактаб ўқувчиларининг футбол мусобақалари 2-босқичи ниҳоясига етди. Унда республикамизнинг турли ҳудудларидан келган 8 жамоа ўзаро куч синашишди. Ниҳоят, қизгин ўтган тўп суришлар ғолибларни аниқлаб берди: сўнги беллашувда Тошкент шаҳри ва Наманган вилоятининг моҳир футболчилари майдонга

тушди ва наманганлик ўқувчиларнинг кўли баланд келди.

Мусобақа ҳомийси "Кока-кола" компанияси вакиллари ғолибларни махсус эсдалик совғалари билан тақдирладилар. Энг намунали футболчи деб топилган 4 ўқувчига бепул йўлланма берилди. Улар Францияда бўладиган халқаро футбол мусобақаларини томоша қилиб келадилар.

Фахриддин ҚУРБОНОВ.

ЭРТАКЛАР - ЯХШИЛИККА ЕТАКЛАР



Ростдан ҳам эртаклар яхшиликка етаклайди. Чунки, мен ҳар доим эртақ ёки ҳикоя ўқиганимда бунга амин бўлганман. Лекин ҳамма ҳам китобга қизиқавермайди. Орамиздаги бир хил ишқомасларга биров китоб

ўқигин деб насиҳат қилса, ишқомас унинг насиҳатларини назар-писанд қилмай "э... китоб ўқиган билан нима фойда? Яхшиси видео кўриб ётаман" дейишади. Уларнинг бу ишлари яхшимас. Бу ишларга ота-оналар ҳам сабабчи, чунки болаларни ота-оналар тергамаса ким тергайди. Болаларни бўш қўйиб, хоҳлаган нарсасини олиб бергандан кейин ўшалар дангаса, тарбиясиз бўлмай ким бўлсин.

Ана шу минг-минглаб бефойда сарфланаётган пулларга бир дунё китоб сотиб олса бўладику. Афсуски

улар буни тушунишмайди. Тушунтириб гапирсанг "Китобга ҳам пул сарфлайманми" ёки "Китоб қўйишга жойим йўқ" деган баҳоналар қилишади. Лекин китоб одамнинг доимий ҳамроҳи эканлигини билишмайди.

Мен "Ўзбек халқ эртаклари"ни, "Жаҳон халқ эртаклари"ни кўп ўқиганман. Мен эртақлардаги паҳлавон йигитларни ёқтираман. Айниқса, менга Венециялик Марко Полонинг ажойиб ва ғаройиб саргузаштлари китобидаги бош қахрамон Марко Полонинг кўрсатган жасоратлари ёқади. Унинг Краунаслар бади олишиб, дўсти Матеони қандай қутқаргани, Лоб саҳросидаги бир оқ

нарса уни ўзига жалб қилиб карвондан қолиб кетиб, уч кун саҳрода оч-наҳор юрганига қойил қолганман.

Менга яна Шарқ халқлари эртаклари китобидан "Уч оғайни ботирлар", "Маликаи Ҳуснобод", "Муқбил Тошотар", "Жиннинг уч тола сочи", "Хунарманд хотин", "Қилич ботир", "Зийед ботир", "Фулом полвон" каби эртақлар ёқади. Ёққанидан қайта-қайта ўқисам ҳам камдек туюлади. Бу эртақлардаги ботирлардек, ўзим ҳам шундай ботир бўлишни хоҳлайман.

Сухроб АКБАРОВ,
С.Раҳимов туманидаги 28-ўрта мактабнинг 4 - "Д" синф ўқувчиси.

АГАР 01

ВАҚТИДА ЕТИБ КЕЛМАСА...

Ҳозирги вақтда кўпгина хонадонларда алоқа аппаратлари бор. Булардан бири, телефон. Асосан телефондан зарур вақтларда фойдаланиш керак. Ўзгаларни бевақт безовта қилиш одобсизликка киради. Лекин, айрим ёшлар тез хизмат турларига кўнғироқ қилиб, алдашлари каби ҳодисаларни ҳаётимизда кўплаб учратмоқдамиз. Улар телефон гўшагини олиб ёлғон хабарлар беришини айтмай-сизми. Масалан, ўт ўчирувчилар 01 нинг ҳам вақтида етиб келмаслиги баъзан ўзимизга ҳам боғлиқ бўлмоқда. Тушунмаган одобсиз болалар бундай хизмат турига кўнғироқ қилиб, алдаб, уйида ҳеч қандай кўнғилсиз ҳодиса юз бермаса ҳам, бирорта кишини манзилини тушунтириб юборади. У ёқдагилар ҳам бу ёлғон хабарга ишониб, айтилган манзилга борса, ҳамма ёқ тинч, осойишта... Овора бўлиб келганлари қолади. Бир-икки сафар шундай бўлди дейлик, кейинги сафарларчи? Агар бирор киши бахтсиз ҳодиса рўй бериб, 01га мурожаат қилсаю, ўт ўчирувчилар ўз вақтида етиб келишмаса, аҳвол нима бўлади.

Ирода СОБИРЖОН қизи,
Пискент шаҳри, Ойбек номидаги мактабнинг 9-синф ўқувчиси.

АФАНДИ - КИМ?

Мана, фаслар келинчаги бўлмиш баҳор ўз тароватини оламга кўз-кўз қилмоқда. Бу фасл келиши билан байрамга байрамлар уланиб бормоқда. Яқинда мактабимизда 1 апрель - кулги куни кўтаринки руҳда ўтказилди. Унда кулгига бой бўлган тўрт нафар ўқувчи йигитлар ўзаро беллашишди. Берилган 5 та шартларни йигитлар қойил қилиб бажардилар. Айниқса, "Булбулпар" яъни Истам

Содиқов исмли ўқувчи ва Жамшид Саилов-"Тўтиниса" ўтирганларни байрам билан табриқлаб, ўз кулгиларидан бахраманд қилдилар. Умуман олганда, "Афанди ким?" номли бу беллашувда йигитлар бир-бирларини ортда қолдиришди. Лекин ҳар нарсанинг ҳам поёни бор деганларидек, бу беллашувга ҳам яқун ясалди. И.Содиқов, А.Ортиқов ва Ж.Саидовлар ғолиб деб топилди. Уларга мактаб

директорининг ўринбосари маърифат-маънавият ишлари бўйича муовин Зебо Ҳожиёва эсдалик совғалари топширди.

Бу ерда ўтирган ўқувчилар уларни олқишлаб гуллар тақдим этдилар. Баҳорги таътил тугаб, биринчи кун ўқишга келган ўқувчиларда бу беллашув яхши таассурот қолдирди.

Нигора Имомова,
Бухоро вилояти Когон туманидаги 5-мактабнинг 11- "Б" синф ўқувчиси.

Қитмир қалам



НИМ ҚАЙНАМА ГАПЛАР

Ўқувчилар:
- Мен доскага чиқай, мен доскага чиқай.
Ўқитувчи:
- Майли чик.

(Дарсда)

Ойижон тезроқ бўлинг, қорним карнай чалаяпти.


(Сўхбатдан)

Тилинг беш қарич бўлиб қолибдими?

(Танбех)



САНТА-БАРБАРАДАГИ ТОШКЕНТЛИКЛАР



ЮРГАН ДАРЁ...

Ўқувчиларга ҳамроҳлик қилган Шоҳиста Ибодова айтдики, болалар бу ердаги ҳаётдан иқтисодий сабоқларини ҳам бойитишди. Масалан, Калифорнияда сувга жуда тежамкорлик билан муносабатда бўлишларини билишди. Чунки сув бу ерда жуда қиммат турар экан.

Америкаликлар ишнинг қадрига қандай етишларини ҳам ўқувчилар ҳис қилишди. Айниқса, кичик-кичик фирмалар фаолияти болаларни қизиқтириб қўйди. Америкаликлардаги ҳалол меҳнат ва интизомлилик ўқувчилар учун катта сабоқ бўлган бўлса, ажаб эмас.

ШУНАҚА ДАРС ҲАМ БЎЛАДИ

Дарвоқе, Жаҳонгир Тошкент молия институти қошидаги солиқ лицейининг талабаси. Яқинда улар амалий дарсларидан бирини хорижда ўтказиш имкониятига эга бўлишди. Жаҳонгир ҳамда яна етти сабоқдоши Халқаро тил мактабига йўл олишди.

Мактаб Америкада, телевиденида намоёиш этилаётган сериал орқали кўпчиликлари яхши таниш бўлиб қолган Санта-Барбара шаҳрида жойлашган. Ўқувчилар бу гўзал шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишишди. Ҳатто, Майкл Жексоннинг уйини ҳам томоша қилишди, албатта ташқаридан.

Болалар Америка оилаларида яшашди. Мактабга эса жамоатчилик транспортда қатнашди.

Мактаб ўқитувчиларининг эътироф этишича, ўзбекистонлик ўқувчиларнинг билими уларга жуда маъқул келган.

ЖАҲОНГИРНИНГ ТААССУРОТИ

Жаҳонгир Дўстмухамедов ва япониялик киз Киоко Томишимо Американинг Санта-Барбара шаҳрида учрашишди. Жаҳонгир унга Тошкент ҳақида ҳикоя қилиб берди. Киоко эса Япония тўғрисида.

Улар тезда иноқлашиб кетишди. Ўқишлари, ишлари хусусида ўртоқлашишди.

Киоконинг, ўқувчи бўлишига қарамай хусусий идораси бор экан. Ундан тадбиркор киз яхшигина даромад олар экан.

Бу учрашув Жаҳонгирда жуда катта таассурот қолдирди. Келажакда у ҳам ўз хусусий тадбиркорлигини йўлга қўйишни ният қилиб қўйди.

ОКЕАН ОРТИДА ОРТТИРИЛГАН ДЎСТЛАР

Тил мактабида дунёнинг турли бурчакларидан, шу билан бирга МДХ давлатларидан келган ўқувчилар ҳам сабоқ олишди. Айниқса, Россиялик кизлар - Юля, Лена, Тая Ўзбекистон ҳақида, солиқ лицейи ҳақида кўпроқ маълумот олишга қизиқдилар. Жаҳонгир ва Киоконинг дўстлигини эса юкорида айтиб ўтдик. Ушбу танишувлар ўқишга, болаларнинг дунёқарашига ижобий таъсир кўрсатди.

Шоҳиста Ибодованинг фикрича, мана шундай алоқалар, шу йўсиндаги дарслар катта аҳамият касб этади.

Азим ота - кўшимиз. Сирдарёнинг Боёвтида туради. Ёши ҳам етмишнинг нари-берисида. "Бошпуртим бўйича икки кам етмишдаман, - дейди ота, - аслида уч-тўрт ёш катта бўлишим керак. - Онам раҳматли шундай дердилар. У пайтлар чамалаб ёшни белгилаб беришаверган эканда".

Азим отанинг жуссаси кичик. Лекин қорувли, ҳамон бақувват. Кампири Рисолат момонинг таъбирича "жиққа пай". Ота ўғил-қизларидан тинчиган. Бир этак неварачеваралари бор. Ҳозир ҳайхотдек ҳовлида кенжа ўғли келини билан туради.

Уни ҳамқишлоқлари ҳазиллашиб "Азим читтак" дейишади. Каттагина томорқасида эртаю кеч гимирлагани-гимирлаган.

Томорқанинг ярми - иссиқхона. Қишнинг чилласию ёзнинг саратонида ҳам бозорга ошқўк - шивит, кашнич, кўкпиёз, укроп чиқаради. Хуллас суяги ерда қотган.

Қишлоққа борган маҳалларим, ота албатта мени сўраттиради. Чиқаман. Ота ҳар доимдагидек оппоқ соқолини селкиллаб иссиқхонасида куймалашиб юрган бўлади. Ҳормабор бўл қилишамиз. Сўнг ота кесакни курси қилиб чўқади-да, тилининг остига тўрт чўқим нос ташлаб, мени гапта тутади:

- Яхши юрибсанми, мухбир бола. Ё шаҳри азим, ё кўҳи баланд. Шаҳри азимдан гапир...

Буёғи уланиб кетади. Гапнинг жиловини дам Азим ота, дам мен тутиб, ҳаш-паш дегунча ярим носқовоқ нос чеккулик вақт ўтиб кетганини ҳам сезмай қоламиз. Ҳар гал шу манзара такрорланади.

Яқинда йўлим яна қишлоққа тушди. Азим отанинг томорқасига мўралагандим, ота кўринмади. Уйдагилардан сўровдим, "мазаси йўқ, отанинг" дейишди. "Йўғе" деб, ишонқирамай, дарров ҳовлисига ўтдим. Уйга кирсам, ҳақиқатан ҳам Азим ота кўрпатўшак қилиб, азда-базда гумгурсдай ётиб олибди.

- Бахай, ота, тинчликими? Тобингиз қочдимми? - шоша-пиша сўрадим салом-алиқдан ҳам олдин.

- Ҳа, мухбир бола, кел, - деб ўрнидан кўзғалишга ҳаракат қилган эди, югуриб бориб, яна жойига ётқизиб



Ўзбекча гап

АЗИМ

ОТАНИНГ АРЗИ

кўйдим. Ҳижолат чеккандай, қайта ёнбошлади.

- Буни қара, шу ёшга кириб, ҳали бир қув йўталган одам эмас эдим. Ёш ўтаверган сари ичдан зил кетаверар экансан-да.

- Йўғе, ҳали тетиксиз. Ётибсиз-да, бир-икки кун оёқни чўзиб.

- Шу ётиш қурғурга ўрганмаганманда. Иш ҳам кўкнорига ўхшаган нарса бўларкан. Хумор қилаверади. Бўлмасам, шу ёшимда ҳам томорқада куймалашиб юриш нима зарил. Кампирим икковимиз оладиган пенсамиз бемалол етади. Кенжам олиб келади, уч-тўрт танга.

- Бўпти-да. Ташвиш чекмай дам олинг энди, бу ёғига. Сизнинг хуморингизни болаларингиз чиқаришади.

- Билмадим, замоннинг зайли бўлганми, болаларнинг ерга меҳри йўқ. Ер билан тиллашишни билишмайди. Мана, ўзимнинг кенжамдан қиёс. Биласан, мошин ҳайдайди. Яхшигина пул топади. Локин, санаб берганга қуш тўярмиди. Мундоқ ерга ҳам қайиш, биринг икки бўлади, десам "ишлолмайман, гипиртонман" дейди. "Э, қисталок, гипиртонди давоси ўра-

тепани бир ботмонлик кетмони бўлади" деб яниб ташладим уч-тўрт. Йўқ, билганидан қолмайди.

Хув бир йили тилвузорда томоша кўрсатишувди, йўлчи ҳақида. Ўшанда бой зап гап айтувди: "Эр киши ер сотмайди" Бойлар билганда. Ўшаларнинг давлати ҳам ернинг орқасидан. Э, ер - хазина. Калитини топсанг, қанча кавласанг ҳам тугамайди.

Мана, ўтган йили кафтдай ердан етмиш минг даромад қилдим. Менинг яримта жонимнинг қимирлагани шунча фойда берди. Агар бутун жон қимирласами, эҳе, Қорунни газнаси оқиб келади, деявер.

Давлат ҳам билгич бўладида. Кўша-қўша томорқа беряпти. Ишланглар деяпти. Буни ҳам удалаган удалаяпти, удаламаганики ётибди, шундоқ. Ёшлар дейману, бундай қарасам, катталарнинг ҳам қўли кетмондан чиқиб кетган экан. Бир пайти келиб, одамлар ёрига қарамай қўйди-да. Фақат ойликка тикилиб ўтиришди. Менинг устимдан кулишарди ҳам: "Ҳеч тўймайсиз-да пулга. Орқалаб кетасизми".

Ҳали бирор марта бозордан картишка, пиёз, сабзи сотиб олган эмасмиз. Аҳмоқ икки марта пул тўлабди, дейишади-ку. Тайёр имконият бўлатуриб, пулни беҳудага бозорга совуриб келиш шунинг ўзи-да.

Аслида ўзбекнинг энгаги кетмон билан кўтарилган. Шунинг учун барака топсак ҳам, шу ердан топамиз.

Зериктириб қўймадимми, мухбир бола. Ичимдаги гапларни тўкиб солдим-да.

Азим отанинг арзи - янгилик эмас. Бу ҳақида казо-казо гаплар айтилган. Бирок, оддий деҳқоннинг жайдари мулоҳазаси қулоққа бошқачароқ эшитилади. Чунки, у бўлар гапни шартта айтади - қўяди.

Азим отанинг мулоҳазасини бермоқдан муддаомиз, бани ўзбекнинг қонида бор, бироқ букун фақат уста деҳқонларгина биладиган аёни ҳақиқатни сизга яна бир марта эслатиб қўймоқлик:

Ўзбекнинг энгаги кетмон билан кўтарилган!"

Асқар ШОКИР.

"УМИД" УМИЗ БОЛАЛАРИНИНГ ТАФАККУРИ УЧҚУРЛИГИ ИСБОТЛАНДИ


Маълумки, республикамиз Президенти ҳузуридаги "Умид" жамғармаси грантларини қўлга киритган 150 нафар иқтидорли ёшлар 1997 йилнинг сентябрь ойидан бери АҚШ, Англия, Франция ва Япониядаги оламга машҳур олий ўқув юртлиарида илм олмақдалар. Улар энг замонавий фан дастурлари асосида тахсил олишди. Ўта талабчан устозларнинг қаттиқ синовларидан аъло ўтдилар ва юртимиз номига доғ туширмай, "Ўзбекистонлик" деган номни янада баланд кўтардилар. Минг нафардан ортиб талабгорлар орасида ғолиб чиққан бу ёшлар чет элларда 2 йил ўқиб магистр, 4 йил ўқийдиганлари бакалавр даражасини эгаллаб келиши кўзда тутилганди. Лекин натижа режадагидан устун чиқди: иқтидорли ватандошларимиз магистрлик ва бакалаврлик даражасини олиш учун куни кеча муддатидан анча аввал диссертация ёқлашга киришдилар. Улар диссертация ҳимоясидан сўнг Ватанимизга қайтиб, илм-фан йўлидаги изланишларини давом эттирадилар ва Ўзбекистонимиздаги давлат муассасаларида эгаллаган мутахассисликлари бўйича хизмат қилишади.

"ЁШ ИҚТИСОДЧИ"ГА МАКТУБЛАРИНГИЗНИ ҚУЙИДАГИ МАНЗИЛГА ЮБОРИШИНГИЗ МУМКИН:

700029.

Тошкент шаҳри,
 Муस्ताқиллик майдони,
 2-уй, 402-хона.

Мулоқот учун телефон:
 (371) 139-49-32,
 139-16-19.
 Факс: (371) 139-48-23.



Ёрқин АБДУЛЛАЕВ



БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ТУШУНЧАЛАРИ БИР ХИЛМИ?

Бу иккала тушунчанинг бир хил ёки бир хил эмаслиги тўғрисида фикр юритишдан олдин қуйидаги атамаланинг лугавий маъносига эътибор берайлик.

Бозор - бу аҳоли савдо-сотиқ қиладиган махсус жой

Муносабат - кишилар ўртасидаги алоқа, муомала.

Муносабат - кишилар, ташкилотлар, давлатлар ўртасидаги бордикелди, олди-берди муаммолари; тиркичилик, моддий ва маънавий ҳаёт билан боғлиқ алоқа.

Муносабат - кишининг воқеликка, воқеликдаги нарсаларга, ҳодисаларга қараши, ёндошиш принципи

Иқтисод - ҳўжалик маъносини беради. У юнонча сўздан олинган бўлиб, уй ҳўжалигини юритиш санъати, демақдир.

Демак, муносабат тушунчаси кенг маънога эга бўлиб, ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини ўз ичига қамраб олади.

Бозор муносабатлари эса сотувчи билан харидор ўртасидаги иқтисодий алоқаларни аналатади.

Олди-сотди хусусида товар ва пул эгалари ўртасида шундай муносабатлар юзага келадики, уларнинг конкурет ижрочиси, корхона, фирма, ташкилот, компания, айрим шахс ва ҳатто давлатлар қиёфасида намоён бўлади.

Бозор иқтисодиёти деганда товар-пул муносабатларига асосланган ва уларга хос иқтисодий қонунлар, яъни бозор муносабатлари қоидалари асосида бошқариладиган иқтисод тушунилади. Бозор иқтисодиёти азалдан мавжуд. У бир неча минг йиллардан буён ривожланиб, турли ижтимоий формациялар доирасида сақланиб келади.

НИМА УЧУН БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ЭРКИН НАРХ БЎЛИШНИ ТАЛАБ ҚИЛАДИ?

Чунки харидор билан сотувчи ўртасидаги олди-сотди жараёнида биринчи навбатда товарнинг нархи га эътибор бериллади. Товар сифати, унинг замонавийлигига баҳо бериш ҳам нарх орқали бўлади. Нарх бамисоли барометр каби бозор ҳолатини кўрсатиб туради. Нарх пассив кетса, товар бозори касодга учраган бўлади. Товар нафис бўлиб, уни бошқа товар билан алмаштириш ёки унинг сифатини тубдан яшилаш зарурлиги кун тартибига қўйилади.

Бозор ўз вазифасини бажариши учун нарх эркинлаштирилиши ло-

ЭРКИН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА МУЛКЧИЛИККА БЎЛГАН МУНОСАБАТЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШИДАГУ ХУСУСИЯТЛАР

• Мулк хусусийлаштирилади ва унинг турли кўринишлари вужудга келади. Давлат корхоналари ишчи-хизматчиларнинг ёки ташкилотларнинг хусусий мулкига айланади.

• Хиссадорлик жамиятларини тузиш, ширкат ва кооперативларни ташкил қилиш, кичик корхона ва фирмаларни барпо этиш, ишлаб чиқариш воситаларини ижарага олиш йўли билан ҳар бир шахс мулкдорга айланади.

• Ишлаб чиқариш воситаларига нисбатан ҳукм суриб келган "Бизники" деган иборани "Меники" деган сўз билан алмаштириш объектив зарурат бўлиб қолади. Энди мулкка

нисбатан исрофгарчилик, лоқайдлик, бефарқлик ва масъулиятсизлик сингари кўнгилсиз ҳолларга чек қўйилади. Акс ҳолда мулк эгаси хонавайрон бўлади.

Шундай қилиб, бозор муносабатлари мулкчиликда плюрализмни, яъни хилма-хилликни тақозо этади. Шундаги халқ корхоналарида ишлаб чиқарувчилар айна бир вақтда мулк эгаси ҳам бўлишади, шундай корхоналарда ўз манфаати, ўз фаровонлиги учун ишлаш юзага келади. Мулк соҳиби мустақил ўз мулкига таяниб иш юритади, энди у қарам эмас.

Ҳар бир киши ўз мулки орқасидан кун кўради:

• ер эгаси деҳқончилик қилиш ёки ерни ижарага беришдан;

• пул эгаси уни қарзга бериб фоиз ёки дивиденд олишдан;

• капитал эгаси уни бизнесда ишлатишдан;

• иш кучи эгаси ёлланиб ишлашдан даромад топади.

Ўзини мулкдор, мулк ҳўжайини, ўз меҳнати билан ишлаб чиқарган маҳсулотининг ҳўжайини деб ҳис этиш инсоннинг яширин куч-ғайратини юзага чиқаради. Унинг ақлий ва ижодий имкониятларини, ташкилотчилик қобилиятларини намоён этади, уни ташаббускор ва омилкор қиладди.

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ПОЙДЕВОРИ

Бозор иқтисодиётига ўтиш - бу шунчаки кўр-кўрона мақсад эмас, балки иқтисодда бозор муносабатларини шакллантириш, жамиятни янгилаш йўлидир. Яъни:

- иқтисодий фаолият эркинлигига;
- мулкчиликнинг хилма-хиллигига;
- нарх эркинлигига;
- рақобат курашига;
- шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар-

нинг қарор топишига;

- даромаднинг чекланмаганлигига;
- антимонопол иқтисодиётнинг мавжудлигига эришишдир.

Ана шу бозор муносабатлари пойдеворининг шаклланиш ва амал қилиш даражасига қараб бозор иқтисодиётининг турли моделлари тўғрисида сўз юритилади.

НИМА УЧУН ЭРКИН ИҚТИСОДИЁТ БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИНИНГ АСОСИЙ ПОЙДЕВОРИ ДЕБ АЙТИЛАДИ?

Чунки бозор муносабатлари қатъий марказлаштирилган режалаштириш билан чиқишолмайди. Бугунги кунда дунёдаги барча ривожланган мамлакатлар эркин иқтисодиётга асосланган бозор муносабатларининг этагидан тутди.

Бозор иқтисодиёти, энг аввало, эркин иқтисодиётдир. Маъмурий, тоталитар марказлашган режали иқтисо-

диётга қарама-қарши ўлароқ, эркин иқтисодиётнинг пойдевори мустаҳкам ва имкониятлари чексиздир. Бунинг маъноси шуки, моддий ишлаб чиқариш соҳасида рўй берадиган барча жараёнлар:

- ишлаб чиқариш;
- тақсимот;
- айирбошлаш;
- истеъмол либераллаштирилади.

БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА РАҚОБАТНИНГ ҚАНДАЙ ДАХЛИ БОР?

Корхоналар бозорга чиқиш учун эркинликка эга бўлиши лозим. Бозорни тўла назорат қилувчи олигополия (аксарият ўзаро нархсиз рақобат олиб борадиган оз сонли йирик корхона, фирмалар) ва монополиялар (танҳо ҳукмрон корхона ва фирмалар) бозорда нархнинг эркин шаклланиш жараёнига халақит бермаслиги лозим. Шундагина рақобат ҳақиқий ва эркин рақобат бўлади.

Таъсирчан ва рағбатлантирувчи, эркин иқтисодий рақобатни ривожлантириш эвазига ишлаб чиқарувчи ва сотувчилар устидан харидорларнинг ҳукмронлиги ўрнатиллади.

- Ҳалол рақобат:
- қалбаки беллашув, мажбурий сафарбарликни тан олмайди;
 - боқимандалик, бефарқлик, юзакичилик, кўзбўямачилик каби салбий ҳолларга барҳам беради;
 - қариндош-уруғчиликни, ошна-

оғайнигарчиликни, таниш-билишликни, маъмурий-буйруқбозликни тан олмайди.

Рақобат шундай омилки, у:

- ишлаб чиқарувчиларни новацияга, янги техника ва технологияни жорий қилишга ундайди;
- тадбиркорликни ривожлантиради;

• иш билан банд бўлган ҳар бир фуқаронинг масъулиятини, уларнинг меҳнат унумдорлигини, иш сифатини оширади;

• қаттиқ меҳнат интизомини ўрнатади;

• ички бозорни товар билан бойитади, нархни арзонлаштиришда катта роль ўйнайди.

Хуллас, рақобат ҳар қандай иқтисодиётни тангликдан олиб чиқишга қодир локомотив, маҳсулот сифатига кафолат берувчи, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи воситадир.

ЭРКИН БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА ЭРКИН ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

• Марказлашган режалаштириш ўрнини эркин фаолият эгаллайди.

• Ҳар бир фирма, корхона, компания, шахс ўз салоҳиятига, бозордаги талаб ва таклиф, нарх-навога у ёки бу маҳсулотни ишлаб чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.

• Шу ишлаб чиқаришдан зарар кўрадими ёки фойда топадими, бунинг учун фақат шу шахснинг ёки компаниянинг ўзи жавоб беради. Бу ерда ҳакамлик ролини давлат эмас, балки бозор ўтайди.

• Бозор иқтисодиёти қоидаларидан бири бозордаги талабга биноан ишлаш, уни қондиришдан иборат. Шундагина ишлаб чиқарувчи пул топиши, даромад олиб бойлик орттириши мумкин.

• Тақсимотни энди давлат эмас, балки бозор бажаради.

• Моддий ресурслар махсус ишлаб чиқариш воситалари бозорида турли аукционларни ўтказиш йўли билан олди-сотди қилинади.

• Ишлаб чиқариш воситаларининг бозорда эркин сотилиши уларнинг ҳаракатини тезлаштиради, товар тақчиллигига барҳам беради.

• Шу сабабдан бозорда ишлаб чиқарувчи эмас, балки истеъмолчи (харидор) ўз измини ўтказиши, товар ва хизматларни сифатига ва нархига қараб танлаб олиш имконига эга бўлади.

• Истеъмол буюмлари махсус истеъмол товарлари ва хизматлари бозори орқали эркин нархларда айирбошлаш амалга оширилади.

• Энди айирбошлашда ишлаб чиқарувчи эмас, балки истеъмол (харидор) ўз измини ўтказиши. Сифат ва нарх истеъмолчининг талабларини тўла қондирмас, ўша товарни у сотиб олмайди.

• Айирбошлашда монополия вужудга келади.

• Бозор шароитида адолат принципи ҳаммани бир хил қилиш эмас, балки жамиятнинг табақалашувини билдиради.

Табақаланиш бойларга ҳавас қилиб, шундай бўлишга интилиш ҳосил қиладди, бу эса яхши ишлашга ундайди:

• Истеъмол муносабати тенгликни эмас, балки тенгсизликни келтириб чиқаради ва бу иқтисодиётнинг ўсишига катта рағбат беради.

• Бозор иқтисодиётига хос қоидалардан бири - бу даромадларнинг ишлаб чиқаришнинг ўзида тақсимланишидир. Бу ерда кимга қанча иш ҳақини белгилашни ўзлари ҳал қилишади.

• Даромадларнинг чекланмаганлиги - бу қўшимча даромад топишга интилишни пайдо этади. Бойликка ҳавас иқтисодий фаолликни юзага чиқаради.

Шундай қилиб, эркин иқтисодиёт эркин тадбиркорликка, истеъмол товарини ихтиёрий танлашга, бозордаги муайян аҳволдан келиб чиққан ҳолда тадбиркорларнинг имкониятлари борлигига асосланади.



ҚАНЧА ЁМҒИР ЁҒАДУ?

Ҳеч қизиқиб кўрганмисиз: бир ёғишда қанча ёмғир ё қор ёғиши мумкин. Э, буни ҳисоблаб ҳисобига етиб бўлармиди дейсизми? Шошилманг, буни ҳисоблашнинг имкони бор.


Мисол учун, томорқангизнинг узунлиги 40 метр, эни эса 24 метр.

Томорқага қанча миқдорда сув кетганини билиш учун ёмғирли сувни қанча мм баландликдан ёғганини ёмғир ўлчагичда билиш керак. Айтайлик, 4 мм баландликда ёмғир ёғди. Энди ер сувни шимиб олмаган дея тасаввур қилиб, бир кв. м. га қанча см. куб сув тушганини аниқлаймиз.


Бир кв м 100 см баландлик ва 100 см узунликка эга бўлади. У ерга 4 мм-0.4 см баландликда сув тушади. Сувнинг умумий миқдориди $100 \times 100 \times 0,4 = 4000$ куб см бўлади.

Сиз биласизки, 1 куб см.га 1 гр. ёмғир суви тушади. Ҳар бир кв м га эса 4000 г яъни 4 кг. Бутун томорқага $40 \times 24 = 960$ кв м ёки $4 \times 960 = 3840$ кг, салкам 4 тонна ёмғир ёққан. Энди шунча сув неча челақ бўлишини ҳисоблайлик. Умумий ёққан ёмғир сувининг миқдори 3840 кг. 3840ни 12 га бўламиз - $3840:12=320$.

Демак, томорқани ёмғир суви миқдорида челақлаб сугормоқчи бўлсак, 320 челақ сув ташишимизга тўғри келар экан.



ҲАР ҚАНДАЙ МИКРОБНИНГ ЎЗ КУШАНДАСИ БОР



Баъзи одамлар, умуман ҳеч қандай кимёвий дори-дармон истеъмол қилмайдилар. Касалликларга чалинмаслик учун турли бадантария машқларини бажаришади. Ақлий меҳнатни жисмоний меҳнат билан алмаштириб турадилар. Балки ўзларини ана шундай чиниқтириб борганлиги учун ҳам бундай кишилар соғлом бўладилар.

Ҳайвонлар-чи? Ерда, сувда, ҳавода яшовчи турли-туман жонзотлар-чи? Улар нега жуда кам касал бўлишади? Бу жонзотларни ким даволайди?

Кўпчиликни қизиқтирган саволларнинг жавоби битта: табиатнинг ўзи меҳрибон! У ўзи яратган жонзотлар ҳимоясини ҳам ўзи беради. Олимлар биринчи бўлиб бақалар устида олиб борган кузатишларида бу тилсим сирини билиб ол-


дилар. Китнинг терисиди ҳам унинг танасига кирадиган ҳар қанақа бактерияларни дарҳол чор тарафдан ўраб, уни "бўғиб" ўлдирувчи микроорганизмлар яшаркан. Бу дунёда борки бактериялар тури қанча бўлса, уларнинг кушандалари тури ҳам шунча.

Қадим-қадимларда инсон вужудида ҳам ана шундай меҳрибон митти жонлар бўлган. Бироқ жамият тараққиёти давомида одамлар ҳар бир касалликка қарши табиий ва сунъий (кимёвий) дори-дармонлар топиб истеъмол қилишни одат қилиб олишди. Натижада танамиздаги бизнинг табиий ҳимоячиларимиз - микроорганизмлар ишсиз, бўш қолишди. Бекорчилик бора-бора уларни ишқмас қилиб қўйди. Ҳаракатсизлик, ҳаётда "ортикчаллик" оқибатида инсон организмнинг содиқ кўриқчилари бўлмиш бу митти жонларнинг аксарият қисми йўқолиб кетди. Ҳозиргача вужудимизда яшаб қолган антителалар (микроорганизмларнинг бир тури) эса фақат айрим микроблар билан кураша олади, холос.

Агар шердек қудратли, кушлардек енгил ва соғлом бўлиб ўсай десангиз, болаликдан бошлаб вужудингизни чиниқтириб боринг. Сизни турли микроб-бактериялардан асровчи микроорганизмларни сув, ҳаво ва қуёш нури билан мунтазам равишда "боқиб бориш"ни одат қилинг.

Хабарингиз борми?

ЮМШОҚ, МОМИҚ... ТОШТАХТА



Пахта қанд - болаларнинг сеvimли хўраги! Оқ олтин - пахта-ку! Ватанимиз қудрати, шони. Тошпахтачи? - Бу нодир маҳсулот ҳам Ўзбекистонимизнинг доврўгига доврўғ қўшади. Тўхтанг, "Тошпахта" дедингизми? Тошдан тоғлар бино бўлгани аён, ҳақиқат. Иморатларнинг пойдеворлари, кўрғонлар, тегирмонлар учун энг ишончли унсур ҳам тош эканини биласиз. Уста тоштарашлар кўлларида силлиқланган, ўйиб нақш ва турли ёзувлар битилган ўлмас санъат асарлари дунёнинг ҳар бурчида топилади.

Лекин... метиндан қаттиқ тошлардан парэстикдек юмшоқ момик буюмлар ясалиши мумкинлигини ким хаёлга сиғдира оларди, дейсиз?!

Ўзбекистон олимлари инсониятнинг ақли бовар қилмайдиган ана шундай мўъжизани ҳам кашф этдилар. Тошлар махсус замонавий дастгоҳларда майдаланиб, тошунларга айлантирилади. Сўнг, бу улардан суюқ аталасимон аралашма ҳосил қилинади. Тошталани куйиб, юпка-юпка қатламлар ясалади. Бу қатламлар худди пахта момигига ўхшатиб устма-уст тахланиб бостирилади ва махсус асбобларда, юқори ҳарорат остида ишлов берилади. Қарабсизки, юмшоқ тошпахта матоси тайёр!

Тошпахта кўриниши гўё шиша пахта эслатади.

Дарвоқе, Сиз шишапахтани кўп кўргансиз: уни яхши биласиз. Очик ҳаводаги сув ва газ қувурлари қишда музлаб ёрилмасин деб уларни пахтага ёки қатир матога ўхшаб кетадиган қатламга ўраб, устидан қора қоғоз ёки тунука билан қошлаб қўйишади. Бу шишапахталар буюмларни иссиқ-совуқдан яхши ҳимоя қилувчи восита сифатида халқ хўжалигида кенг қўлланилади.

Суюқлик, қаттиқ жисмларни, газларни ташқи таъсирдан асраш бобида бизнинг тошпахтаимиз шишапахтадан бир неча марта устун чиқди. У 260 градус совуқдан то 800 градус иссиқликкача жисмга қалқон бўла олади. Вазни ҳам шишапахтага нисбатан 3 марта енгил.

Тошпахтадан тикиладиган кийим кийган фазогирлар совуқ атмосфера бағрида ҳам, қуёш яқинида ҳам бемалол ишлаши мумкин. Совуқ минтақаларда яшовчилар, ишловчилар учун бундан яхши "пўстин" йўқ!

Навоий шаҳри яқинида ишлаб турган кичик корхона ишлаб чиқараётган илк маҳсулотлар ҳозирча ўзимизнинг ГЭС ва ГРЭСлар эҳтиёжини қошлаб турибди. Яқин келажакда эса...

... Қандай бўлиши Сиз - бўлажак тадбиркорларга боғлиқ!

КЕМАЛАР ҚАНДАЙ



СУЗАДИ?

Кўпгина материаллар, жумладан қоғозлар сув юзасида қалқиб туради. Бунга сабаб, бу жисмлар зичлигининг сув зичлигига нисбатан камлигидадир. Бошқа жисмлар, масалан металлларнинг чўкиши, улар зичлигининг сувга нисбатан юқорилигида. Шунинг учун бу вазиятда уларга таъсир қилувчи оғирлик кучи сувнинг итарувчи кучидан қувватлироқ. Пўлат кемалар оғир юклар билан ҳам чўкиб кет-

майдилар. Бунга сабаб биринчидан, кема корпуси сув сатҳида катта ҳажмдаги сувни сиқиб чиқаради. Сиқилган сув шундай куч билан пастдан юқорига суюқликни итаради. Бу итарувчи куч дейилади.

Иккинчидан, кемалар яхлит эмас. Унинг пастки қисми ҳаво билан тўлдирилган. Ҳаво зичликни камайтиради ва жисмни юқорига итаришда ёрдам беради.

МИЛЛАРД ҲИЛЧА ОЛДИНГИ ҲАЁТ

Мексикадаги Акамбаро шаҳрида антиқа топилмалар мажмуи бор. Унда тўпланган 30 мингтадан ортиқ нодир экспонатлар дунё аҳлини ҳайратга солиб келмоқда: улар орасида тимсоҳ минган аёл, от, мамонт, туя, динозавр ва бошқалар бор. Қизиғи шундаки, топилган ҳайвон ёки инсон жуссаларининг ҳаммаси ҳам ҳаракатланаётган вақтида қотиб, тошга айланиб қолган. Акамбародаги топилдиқларнинг аксарияти бундан 10-12 минг йил олдин яшаганлиги ҳар томонлама текширишларда тасдиқланган.


Бу гап - сиз каби зукко болажонларни сира ҳам ажаблантирмаслиги турган гап. "Одамзод пайдо бўлишидан минг йиллар

аввал ҳам ер юзиди турли ҳайвонлар яшагани аниқку!" - дейди бугунги билимдон 6-7 синф ўқувчилари ҳам. Биз бугун Сиз билган ана шу маълумотни мустаҳкамлаш учун жаҳон олимлари кўлида мавжуд юқоридаги далиллар ҳақида хабар бердик, холос. Мабодо эшитганга ҳам қониқмай, ўз кўзингиз билан кўриб, кўлингиз билан ушлаб сўнг қатъий ишонч ҳосил қилмоқчи бўлсангиз, эсингизда турсин: тез орада улғайиб дунё кезган чоғингизда Мексиканинг Акамбаро шаҳридаги археологик топилмалар музейига ҳам албатта кириб ўтишни унутманг.

Лекин бир шарт бор. Одатда сафарга чиқиш учун қаттиқ тайёргарлик кўриш зарур. Айниқса,

биз тавсия этаётган саёҳат ҳар бир сайёҳдан жуда чуқур билим ва хабардорликни талаб этади. Ўйланг ва ўрганиб чиқинг-чи,

нега бу тош топилмалар ҳаракатланаётган вақтида "тош қотиб" қолган экан? Демак....



БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИ УЧУН ИҚТИСОДИЙ САВОЛЛАР

ГАПНИ ТЎЛҒАЗИШ ЎЙИНИ

ОТА-ОНАЛАР...

Ўқитувчи иқтисодий мазмундаги битта сўзни доскага ёзади. Ўқувчилар бу сўз ёнига сўзлар қўшадилар. Биринчи қўшилган сўзга 1 очко, иккинчисига 2 очко, учинчисига 3 очко ва ҳоказо. Гап тўлиб, ҳеч ким бошқа сўз қўша олмай қолганда, ўйин тугайди. Масалан, ўқитувчи доскага "отаналар" деган сўзни ёзди. Бир ўқувчи "сотиб олдилар" деган сўзни қўшиб, бир очко олди. Иккинчи ўқувчи "болаларига" деган сўзни қўшиб, икки очко олди. Учунчи ўқувчи "ёзув

столи" деб, уч очко олди. Тўртинчи ўқувчи "фирмадан" деган сўзни қўшиб, тўрт очко олди. Бешинчи ўқувчи "арзонга" деган сўзни қўшиб, беш очко олди.

Шундай қилиб, "Ота-оналар болаларига арзонга фирмадан ёзув столи сотиб олдилар", - деган иқтисодий гап ҳосил бўлди.

Шу тариқа янги ва янги сўзлар таклиф этилади ва улар иқтисодий мазмун билан бойитилиб борилаверади. Энг кўп очко олган ўқувчи ғолиб деб топилади.

КИМ ЭНГ КЎП ИҚТИСОДИЙ АТАМАНИ БИЛАДИ?

Бу ўйиннинг мақсади - ўқувчилар томонидан энг кўп иқтисодий атамани ўзлаштирганини билишдир. Ўйин болалар онгидаги иқтисодий атамалар микдорини оширади.

Синф 5-6 ўқувчилар гуруҳига бўлинади. Бошловчи алфавитдаги ҳарфлардан ёзади ва ҳар бир ҳарфга ким энг кўп иқтисодий сўз топиши ўйналади.

Масалан, "б", "д", "к", "м", "п", "р", "с", "т". Бу топшириққа 15-20 минут кифоя қилади. Ҳар бир гуруҳ бир вақтда ўйинни бошлайдилар ва жавоблар ёзилган варақлар бир вақ-

тда йиғиштириб олинади. Ўйин бошида турувчилар варақлар тўғри тўлғизилганини вакиллар иштирокида текширадилар. Бунда маъноли соф иқтисодий сўзга икки очко, қолган сўзларга бир очко бериш мумкин. Очколар варақларни ўзига қўйилиб, ғолиблар аниқланади. Имкони бўлса гуруҳлар ёзган сўзларни синфда муҳокама қилинса, янада кўпроқ иқтисодий атама ўзлаштирилган бўлар эди. Масалан, "бож"га 2 очко, "буюм"га 1 очко, чунки бож соф иқтисодий сўз, буюм оддий сўз.



МАНТИҚИЙ СЎЗЛАРДАН ИҚТИСОДИЙ ГАП ТУЗИШ

Куйидаги иқтисодий масала ўқувчиларга мантиқий фикрлаш, сўзларнинг боғлиқлигини уюштиришга кўмаклашади. Бунда уч тоифа масалаларни ўқувчи фарқлай билиши керак:

1. Умумий иқтисодий маънодаги сўзларни жамлаш.

2. Бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлмаган, ортиқча сўзларни чиқариб ташлаш.

3. Қолган сўзлардан маънодор иқтисодий гап туза билиш.

Масалан, сўзлар гуруҳи бугдой, об-ҳаво, ун, нон сўзларидан ташкил топган бўлса куйидагича иқтисодий гап тузиш мумкин. "Бугдойдан ун тортилади, ундан нон ёпилади". Об-ҳаво сўзи эса ортиқча, уни чиқариб ташлаймиз.

Энди машқ учун куйидаги сўзларни таклиф этамиз:

1. Радио, кўшиқ, нарх, сўм, дона.

2. Нон, овқат, қозон, гўшт.

3. Болалар, дўкон, кийим-бош, оёқ кийими.

4. Очлик, сув, иссиқ овқат, совуқ овқат.

5. Алмашиш, қуёш, қалам, авторучка, трактор.

6. Уй, пул, даромад, ойлик иш ҳақи, қават.

7. Ўсимлик, пахта, гул, газмол, кийим-кечак.

8. Газ плита, қозон, гуруч, музлатгич, кран.

9. Ишлаб чиқариш, корхона, раҳбар, товар, пул.

10. Сифат, чидамлик, гўзаллик, технология.

Юқорида тавсия этилаётган ўн топшириқдан керакли сўзларни қолдириб, керак эмасини чиқариб ташлаб, янги-янги иқтисодий мазмундаги гаплар тузиш мумкин.



Ҳар кунги оммавий ахборот воситаларидаги рекламалар болаларни рекламага қизиқишини орттирмоқда. Баъзида болалар ҳам шундай рекламаларни ўйлайдиларки, у катталарниқидан сира қолишмайди. Ана шу қизиқиш асосида синф 3-5 кишидан иборат гуруҳларга бўлинади. Айтайлик, энг зўр реклама, яъни товарларни ҳар томонлама реклама қилиш бўйича реклама агентлиги конкурс уюштирган бўлсин. Ўйинни уюштиришда албатта бола ҳаётига яқин мавзуларни, масалан, "кроссовка", "дафтар", "костюм-шим", "кондитер ширинликлар"ни олиш керак. Бунда расм, матнларга катта эътибор бериш, болани ди-

ЭНГ ЗЎР РЕКЛАМА

дини тўғри баҳолай олиш керак. Айниқса, радио, телевидениеда кўрсатилмаган, оригинал рекламаларга катта эътибор бериш лозим.

Гуруҳлар ўз рекламаларини куйидаги сўзлар билан намойиш қилишга рухсат берилади:

- Бизнинг кроссовкани ҳамма кияди.

- Энг зўр футбол бизнинг кроссовкада ўйналади.

- Юлдуз Усмонова, Миржалол Қосимов ҳам бизнинг кроссовкани яхши кўрадилар.

Шунга ўхшаш мақташлар рекламага қўшилади. Баҳолашда ҳар томонлама ўқувчи меҳнати ҳисобга олинади.

Тест

СЕРҚУЁШ ЎЛКАМИЗДА ҚУЁШ...

I. Ёзда неча соат нур сочиб туради?

- а) 20 соат;
б) 15 соат;
в) 12 соат.

II. Қишда-чи?

- а) 5 соатдан ортиқ;
б) ўртача 8 соат;
в) камида 9 соат.

III. Юртимизнинг асосан текисликдан иборат ҳудудларида қуёш бир йилда ўртача неча соат нур сочиб туради?

- а) 1000-1500 соат;
б) 2500-3000 соат;
в) 3500-4000 соат.

IV. Куйидаги шахрларда қуёш нур сочадиган вақтнинг умумий микдори неча соатни ташкил этади?

1. Фарғона ва Китоубда:

- а) 2000 соат;
б) 2500 соат;
в) 2600 соат.

2. Тошкентда:

- а) 2700 соат;
б) 2889 соат;
в) 2900 соат.

3. Термизда:

- а) 3000 соат;
б) 3059 соат;
в) 4000 соат.

V. Июнь ойида қуёш уфқдан неча градус баландга кўтарилади?

1) Тошкент шаҳрида:

- а) 95 °;
б) 100 °;
в) 72 °.

2) Термиз шаҳрида:

- а) 100 °;
б) 76 °;
в) 83 °.

VI. Қуёш Москвага нисбатан Тошкентга неча марта кўп ҳарорат бахш этади?

- а) 1.5 марта;
б) 2 марта;
в) 2.5 марта.





**«ҚЎҒИРЧОҒИМ -
 ХУДДИ ЎЗИМ»**



Азиз болажонлар, сарлавҳадан сира ҳам таажжубланманг. Гап қиёфадош кўғирчоқлар ҳақида бораяпти. Америка Қўшма Штатларининг Колорада штатида "Менинг қиёфадошим" номли махсус кўғирчоқ фирмаси мавжуд бўлиб, бу ерда буюртма асосида қиёфадош кўғирчоқлар ясалади. Рухшунос олимларнинг таъкидлашича, бу болалар


ўйинчоқларини ишлаб чиқариш соҳасидаги чинакам инқилобдир. Бундай кўғирчоқлар болаларнинг кўпчилик нохуш хислатлардан кутулишига, сезгир ота-оналарнинг эса ўз фарзандлари феъли-атворида содир бўлаётган ўзгаришларнинг сабабларини вақтида пайқаб олишига ёрдам берар экан. Кўғирчоқларга буюртма

бериш учун фирма ходимларига болани кўрсатиш шарт эмас. Бунинг учун бола суратини юбориш кифоя. Ҳар бир кўғирчоқ учун 130-150 доллар миқдорида ҳақ олинади.

Қиёфадош кўғирчоқни тайёрлаш тартиби қандай? Бунинг учун ҳар бир буюртмачи фирмага почта орқали боласининг профил шаклидаги рангли суратини йўллайди. Икки ҳафтадан сўнг буюртмачига боласининг резинадан тайёрланган қиёфадош нусхаси етказилади. Мана шу икки ҳафта мобайнида компанияда қиёфадош кўғирчоқни яратиш устида қизгин иш олиб борилади. Шу давр ичида фотосурат 18 та мутахассис кўлидан ўтади. Дастлаб юз тузилиши бўйича ихтисослашган мутахассис иш бошлайди. У резинадан ясалган 150 та тайёр юз қиёфаси орасидан буюртма учун энг мос нусхани танлайди. Сўнгра услубчилар ишга киришадилар. Улар фотосуратдаги соч оройишидан, рангидан, лаб тузилишидан, қиёфадош кўғирчоқ учун мос нусха кўчирадилар. Ҳатто айнанликка эришмоқ учун суратда билинар-билинимас акс этган сепкиллари ҳам на-

зардан қочирмайдилар. Бунинг учун сурат сифати яхши бўлмоғи керак, албатта. Компания заводида ҳажми, ранги ва кўзга илғанадиган бошқа жиҳатлар тўла акс эттирилган 250 та (!) сунъий кўз модели мавжуддир. Кўғирчоққа мос кўзлар ўрнатилгач, киприк ва қошлар танланади. Булар унинг ҳаммаси буюртмачи йўллаган фотосурат асосида бажарилади. Шундан сўнг, қиёфадош кўғирчоқ боши ичидан тўлатилиб, унга керакли шакл берилади. Кўғирчоққа либос энг охирида кийгизилади. Ниҳоят, тайёрланган нусханинг аслига қанчалик мослиги назоратдан ўтказилади. Агар тайёр қиёфа озгина бўлса, аслидан фарқ қилса, у қабул қилинмайди ва 18 мутахассиснинг кўз ўнгида йўқ қилиб ташланади. Қиёфадош кўғирчоқ бошқатдан ясалади. Яна бир қизиқ факт устида тўхталиб ўтамиз. "Менинг қиёфадошим" фирмаси вакили Дэйв Лигетнинг таъкидлашича, мазкур фирма унинг тўрт ташкилотчиси ва уларга таниш педиатрларнинг бемор болалар устидан ўтказган кўп йиллик кузатувлари натижасида юзага келган. Улар бола

шифохонага ётқизилганда ёки хасталик пайтида ёнида сеvimли кўғирчоғи бўлишини жуда-жуда истайди, деган хулосага келганлар. Кўғирчоқ ўз эгасига қанчалик кўп ўхшаса, бу боланинг маънавий, руҳий ва кўп ҳолларда жисмоний саломатлигига ҳам фойдаси кўпдир.



**„ТАМАГОЧИ“
 ЯШАШИ ҲАМ,
 ЎЛИШИ ҲАМ МУМКИН**


Билакузукка тирик мавжудот - бола, мушукча, кучукча ва бошқаларнинг электрон модели жойлаштирилган. Бу мавжудотлар ўзларини худди тирикдай туттади: йиғлашади, кулишади, овқатланишади, ичимликлар ичишади ва ҳоказо. Билакузук эгаси улар ҳақида қайғуриши керак. Уни ўз вақтида овқатлантириши, жойларини йиғиштириши, сайрга олиб чиқиши, турли ўйинлар билан овутиши, ухлатиши лозим. Агар бу ишлар амалга оширилмаса, "Тамагочи" ҳафа бўлади ва йиғлай бошлайди. Ўйинчоқ касал бўлиб қолиши, ҳатто вафот этиши ҳам мумкин. Шунда экранда кичкина қабр ва узунчоқ хоч пайдо бўлади.

**ЎЙИНЧОҚ ТУЙҒУЛАРГА
 ТАЪСИР ҚИЛАДИ**

Бундай олиб қараганда, ўйинчоқ оддий овуноққа ўхшаб кўрилади. Фақат бир ҳолатни истисно этганда. Япониянинг "Бандай" фирмаси махсули бўлмиш ушбу ақлли ўйинчоқ болаларда "оталик-оналик" туйғуларини уйғотади. Ўйнаётган бола электрон одамчага худди ўз фарзанди каби боғланиб қолади. Бу ҳаётга болалар шунчалар ўралашиб қолишадики, уларни бир дақиқа ҳам чалғитолмай қоласиз. Ўйин тез орада болалар учун ҳақиқий ҳаётга айланади. Японияда бир неча йиллардан буён "Тамагочи"ни мактабга олиб келиш таъқиқланган. Чунки, дарс сўралаётган пайтда ҳамиша "Мен мушукча (кучукча, бола...)мни овқатлантиряпман" деган жа-

**ЯПОН ЎЙИНЧОҒИНИНГ
 ҚУРБОНЛАРИ**

Россияга оммавий руҳий хасталик, ўз жонига қасд қилиш, бўлмағур гоёларга олиб келувчи Япония электрон вируси тарқалмоқда. Энг даҳшатлиси шундаки, бу вирус болалар ўйинчоғи кўринишида. Бинобарин, энг аввало болалар унинг қурбони бўлишади. Вақтида мазкур ҳолат "Кунчиқар мамлақати" да янгидан-янги қабрлар - ўйинчоқлар ва уларнинг қурбонлари қабрларининг пайдо бўлишига олиб келди. Энди эса "Тамагочи" билакузукларини россиялик болалар ҳам тақа бошлашди.



вобни эшитавериш ўқитувчиларнинг меъдасига тегди.

**ЯПОНИЯ КАТТА
 МУАММОНИ БОШИДАН
 КЕЧИРДИ**

Ушбу таъқиқлаш "Кунчиқар мамлақати" учун катта муаммоларни юзага чиқарди. Ўқув юртларидаги давомат 90 фоизга пасайиб кетди. "Тамагочи"га эга бўлган болалар ўртасида ўз жонига қасд қилиш икки баравар ортди: ўқувчилар "фарзанд"ларининг вафот этганидан қаттиқ қайғуга

тушиб, ҳаёт билан видолашиб қўя қолардилар. Бу ҳолатдан ташвишга тушиб қолган ота-оналар мактаб маъмурияти қарорини ўзгартириш илнжида судга мурожаат этишди. Бироқ, бу ҳолатлар "Бандай" фирмасининг қитиқ патига ҳам теккани йўқ. Фирма ўйинчоқлар ишлаб чиқаришни заррача ҳам камайтирмади. Аммо, ишбилармон японияликлар ҳар қандай муаммонинг ечимини топишади. Бу гал ҳам шундай бўлди. "Тамагочи"лар учун "боғча"лар ташкил қилишди. Яхшигина ҳақ эвазига бу ерда болалар мактабдалик пайтларида ўйинчоқларга рисоладагидек

гамхўрлик қилинади. Қийинчиликлар ортда қолди. Лекин, вафот этган "Тамагочи"лар ҳамда уларнинг қурбони бўлган болалар қабристонлари ўша қора кунларни ҳамон эслатиб турибди.

**ЎЙИНЧОҚЛАРНИНГ Кўп
 ҚИСМИ ЭКСПОРТ
 ҚИЛИНАДИ**

"Тамагочи" "Бандай" фирмаси учун хазина бўлди. 1997 йилнинг апрель ойидан бошлаб, фирма йилига 2 миллион нусха шундай ўйинчоқ ишлаб чиқаришга киришди. Улардан олинадиган даромад 87 миллион долларга етди. Хорижда биринчи бўлиб "Тамагочи"га Буюк Британия қурбон бўлди. Йил ўтмай унинг бошига Япониянинг қора кунлари тушди. Австралия, Гонконг, Филиппин, Тайвань, АҚШ ва Янги Зеландия мазкур ўйинчоқларни келтиришни сезиларли қисқартирди. Вьетнам ҳукумати эса уларни олиб келишни умуман таъқиқлаб қўйди.

**ДАҲШАТЛИ ЎЙИН-
 РОССИЯДА**

Ўтган йили "Тамагочи" илк бор Россияга қадам ранжида қилди. Ва тез орада мактаблар, институтларни ўз гирдобига тортди. Ҳатто, бу ўйин ишқибозларининг клублари ташкил этилди. Рухшуносларнинг таъкидлашича, россиялик болалар шундай ҳам турли таъсирлар қуршовида қолиб кетишган. "Тамагочи" эса улар учун янги зарбадан бошқа нарса эмас. Ҳозирча мазкур ўйин оқибатида пайдо бўлган бирор бир хасталик аниқланмаган. Бироқ, тез орада юзага чиқиши аниқ. Ҳар тугул рухшунослар шундай фикрда.



„ОБ-ҲАВО ВА ИҚЛИМ ТУШУНЧАЛАРИ“

(“Ёш иқтисодчи”, 1998 йил, 14 апрель)

Иқлим ва об-ҳаво тушунчалари экватор ҳудудда бири-бирига мос келади. Бу ерда кунлик ва йиллик ҳарорат тебраниши унча сезилмайди. Барометр тебраниши эса мунтазам. Муайян (аниқ) соатларда ҳаво булутли бўлади, момақалдиқроқ овозини йил бўйи эшитиб туриш мумкин. Бундай шароитда бир куннинг об-ҳавоси инсталган бошқа кунлар об-ҳавосига жуда ўхшайди. Демак, ўхшаш кунлар об-ҳаволарнинг ўртача ҳолати - иқлим ҳам ҳар бир кунги об-ҳаво ҳолатига яқин туради.

БИЛАСИЗМИ?

(“Ёш иқтисодчи”, 1998 йил, 5 апрель)

Савол:

Бананлар ер остида ўсиши тўғрими?

- Йўқ.

Тест саволи:

Куйидаги мамлакатлардан қайси бири кенг миқёсда чой ишлаб чиқармайди:

- а) Хитой;
- б) Ҳиндистон;
- в) Бельгия.

- Бельгия.

Кофе қаерда кўпроқ етиштирилади:

- а) Бразилия;
- б) Қозоғистон;
- в) Россия.

- Бразилияда.



(“Ёш иқтисодчи”, 1998 йил, 29 март, 5 апрель)

ТЕСТ САВОЛАРИНИНГ Тўғри ЖАВОБЛАРИ:

1. Пул

- а) товарлар қийматини ўлчайди;
- б) муомала воситаси вазифасини бажаради;
- в) жамғаришнинг энг қулай воситаси;
- г) тўлов воситаси.

2. Куйидаги омилар товар нархини пасайтиради:

- б) кучли рақобат;
- г) товарни товарга алмаштиришдир.

3. Бартер - бу:

- г) товарни товарга алмаштиришдир.

4. Талон ва купонлар.

б) ўта тақчиллик юз берган шароитда жорий қилинади.

5. Вақтинча бўш турган маблағлар туркумига (нималар) киради:

- а) амортизация ажратмалари;
- б) ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун фойдадан ажратмалар;
- в) иш ҳақи фонди;
- г) бюджетга ва ижтимоий сугурта фондига ажратилган маблағлар.

6. Муомала воситаси деганда


а) пулнинг товарни харид этиш ёки товарни пулга айирбошлаш вазифасини бажариши тушунилади.

„ЎРМОНДАГИ МАКТАБДА“

(“Ёш иқтисодчи”, 1998 йил, 5 апрель)

Матндан: “Айиқ ўқувчиларга топшириқ тайёрлаб кўйибди. У доскага расмни илиб, расмларни бир-бири билан боғлаб, шундай деди: “Агар ким илондан бошлаб йўналиш бўйича кейинги расмга қараб юрса ва навбатдагисига қараб давом этиб кетавериб, ҳар бир расмдагилар номларининг биринчи ҳарфларни кўшиб чиқса, ҳаётимиз учун энг керакли бўлган сўзни ўқиши мумкин...”

- “Иқтисод”



„РАНГЛАРГА ОЎД САВОЛАР“

(“Ёш иқтисодчи”, 1998 йил, 14 апрель)

ЖАВОБЛАРИ

1. Турли рангларнинг нурлари кўз қорачиғида турлича синади. Масалан, кўк ранг қизил рангга нисбатан кучлироқ синади.

Агар 2 та ёритилган (қизил ва кўк) найчалар кўздан бир хил масофага кўйилса, қорачиқ кўк рангли найчадагига нисбатан қизил найчада қавариқроқ кўринади.

Буюмларни кўзга қанча яқинроқ олиб келиб қаралса, кўз қорачиғи шунчалик кўпроқ бўртишини кузатиш мумкин. Шу сабабли қизил рангдаги ҳарфлар кўк ёки яшил ҳарфлар (белгилар)га нисбатан яқинроқда тургандек туюлади.

2. Сувдаги буюм ҳаводагига нисбатан хирароқ кўринишига сабаб шуки, сув сатҳи билан ҳаво туташган жойда нур акс этади. Шунинг учун сувдаги буюм рангидан тараладиган ранг таъсири сусаяди. Бу инсон кўзига ўша буюмни хиралаштириб кўрсатади.

3. Ярми қизил, ярми яшил ҳалқани тез айлантурса, у кул ранг бўлиб кўринади. Чунки тез ҳаракат чоғида бу икки ранг кўзга аралашган ҳолатда кўринади.

4. Бўялган сирт ранги ундаги нурлар спектри билан белгиланади. Бўялган юза қуруқ бўлса, юза нотекислиги сабабли унга суртилган ранг нурига оқ ранг нурлари ҳам қўшилиб кетади. Шу

сабабли бўялган юза очроқ кўринади. Агар бу бўялган юзга сув чапласак, у юпқа сув пардаси билан қопланади ва юзадаги нотекислик йўқолади. Оқибатда сочилиб ётган нурланиш йўқолади. Шу сабабли ҳўл сиртдаги асосий бўёқ ранги қуруқ сиртдагига қараганда тўқроқ кўринади.

5. Қизил ва яшил (шиша) ойнадан иборат қатлам кўзга кўринадиган ҳеч қандай нурни ўтказмайди.

6. Қора рангдаги ёруқ хоналарда оч, ёрқин доғларга контраст (зид) ранг бўлгани учун кўзга ташланади. Қоронғи жойда эса қора рангли буюмлар кўзга кўринмайди.

7. Қизил рўмолга кўк нур туширилса, у қора рўмол бўлиб кўринади.

8. Оқ, қизил соябонлар зарғалдоқ (оранжевий), қизил ҳамда инфрақизил рангларни ўзида яхши акс эттиради.

9. Қизил нурлар ҳавога жуда оз миқдорда сингиб кетиши билан бу ранг узокдан ҳам кўриниб туради. Шунинг учун ҳам транспортда бу ранг хавф-хатардан огоҳ этувчи ранг сифатида қабул қилинган.

10. Инсон кўзи сариқ-яшил рангларга жуда сезгир. Шу сабабли йўл белгилари ана шу ранглар асосда акс эттирилади.

11. Тўр ниқоб кийган қиличбознинг юзини томошабинлар кўрмагани ҳолда

спортчи атрофни жуда яхши кўра олишининг сабаби иккита:

1) Қиличбознинг юзи ундаги ниқобдан ҳам, атрофдан ҳам хира ёритилган бўлади, чунки унинг юзига нур деярли тушмайди. Шунинг учун хира (қоронғу-роқ) жойдаги юз кузатувчиларга деярли кўринмайди. қиличбознинг қоронғуликдаги кўзларига эса ёп-ёруғдаги одамлар жуда равшан кўринади.

2) Тўр ниқоб қиличбознинг юзига қанча яқин бўлса, у спортчи юзининг шунча кўп қисмини беркитади, лекин бу қиличбознинг ўзига ҳалақит бермайди.

12. Аксинча, сузиб бораётган балиқ кўрик устидан қараган одамга унча яхши кўринмайди, пастроқ соҳилдан қараган кишига аниқроқ кўринади. Бунинг сабаби куйидагилар:

Сувда сузиб бораётган балиққа кўприқдан қаралса, бу балиқдан таралувчи нур сув сирти билан балиқ орасида кичик бурчак ҳосил қилади, шунинг учун унинг юзадаги акси соҳилдан қарагандагига нисбатан кичик кўринади. Бундан ташқари, ҳар 2 ҳолатда ҳам кўзга кўёш нури тушиб уни қамаштириши мумкин. Бу қирғоқдаги одам нигоҳига бошқача, кўприқдаги одамга бошқача таъсир кўрсатади.

13. Тонгда ва шомда нурлар фаоллиги кундузгига нисбатан сустроқ бўлади. Бу вақтларда нур қалин ҳаво қатламини ёриб ўтиб, ерга келгунча унинг анча қисми ҳавога ютилиб кетади. Шу сабабли биз тонг ва шом чоғларида кўёшга тик қарай оламиз.

„ЮРТИМИЗНИНГ ТАБИИЙ БОЙЛИКЛАРИ“

(“Ёш иқтисодчи”, 1998 йил, 24 март)

ТЕСТ САВОЛАРИ ВА УЛАРИНИНГ

Тўғри ЖАВОБЛАРИ:

1. Куйидагиларнинг қайси бири фойдали қазилма эмас:

- а) ёнилғи энергетика манбалари;
- б) рудали фойдали қазилмалар;
- в) тоғ-кимё хом ашёлари;
- г) норудаметалл хом ашёлар;
- д) тоғ-металл хом ашёлари;
- е) гиллар;
- ё) қурилиш материаллари;
- ж) минерал сув манбалари;
- з) Орол денгизи манбалари;

и) куёш радиацияси.

2. Мустақиллигимизга тенгдош нефт кони:

- а) Жанубий Оламушук;
- б) Мингбулоқ;
- в) Учқизил.

3. Вольфрам қайси металллар туркумига мансуб?

- а) рангли;
- б) асл;
- в) нодир.

4. Каолин қандай саноат маҳсулоти тайёрлашда ишлатилади?

- а) машинасозлик;
- б) ип-газлама;
- в) чиннисозлик.

5. Мўмиё қандай табиий ҳудудларда учрайди?

- а) дарё ва кўллар соҳилларида;
- б) ерости конларида;
- в) 1500-2000 метр баланликдаги тоғларда.

6. Ҳозгонда қанақа рангдаги мрамор йўқ?

- а) пушти ранг;
- б) кўкимтир;
- в) тўқ кулранг;
- г) оқ;
- д) қора.

7. Қаердан чиқадиган маъданли сувда йод моддаси сероб?

- а) Чимён;
- б) Чортоқ;
- в) Ширмонбулоқ.

8. Норудаметалл хом ашёларни белгиланг:

- а) қалай;ы
- б) оҳак;
- в) графит;
- г) олтингургурт.

9. Ўзбекистоннинг нефт ва газ саноати ривожланган вилояти:

- а) Андижон;
- б) Тошкент;
- в) Қашқадарё.

10. Халқ хўжалигининг энг кўп тармоғида ишлатиладиган фойдали қазилма қайси?

- а) кўмир;
- б) олтин;
- в) газ.

«ТУРК ТИЛИНИ ЎРГАНИНГ»

ДОСТОНЛАРИМИЗ СИЛСИЛАСИДАН БИР СЎЗ

Осмону фалак инсонларни доимо ҳайратга солиб келган. Уни тушуниш мақсадида одамлар кукни сеҳрли, ҳатто тангри даражасигача кутаришган. Жумладан, бизнинг аждодларимиз осмонни Кук Тангри деб юритганлар.

Бу ҳақда қисса-ю, ақидалар битганлар, улар оғиздан оғизга утиб, достонларга айланган. Бизнинг аждодларимиз у пайтлар Зардуштийлар деб аталганлар. Улар кўёшни илоҳий деб билиб, унга қасидалар битишган ва сизинишган. Бу қасидалар ҳам уз даврида илк бор оғзаки, кейинчалик ёзмага айланган ва бизгача қисман етиб келган. Уша достонлар бизнинг илк достончилигимизнинг намуналаридир.

Зардуштни куйлаган ведалар бизнинг достончилик мактабимиз булиб, кейинчалик ундан бошқа достонларимиз ушиб чиққан.

Улар бизгача тошбитикларда, Урхун Энасой ёдгорликларида етиб келган.

...Ужарлик қилиб Бойсундан чиқиб кетган Бойсари Қалмоқ юртида тез вақт ичида шоҳ ғазабига дучор булади ва ариза ёзиб, сиёсат

ишлатади, яъни «мен сени қора тортиб келган эдим», — деб қутулади.

Қалмоқлар Барчинни сурашда қўймайди. Шунда Барчин уз ихтиёри узида эканлигини эълон қилади. Бу энди ута қадим авлодимиз Тумарисдан дарак.

Жуда гангиди бой ота,

бошинг,

Маслаҳат берди-ку,

қавм-қардошинг,

Эшитмагин

қариндошлар сўзини

Қўябергин алларга

менинг ўзимни

Ярашмоққа мен

зулфимни тарарман,

Қалмоқларга гапирмоққа

ярарман, — дейди.

Барчиной зориқиб Алпомишга хат битар экан, унинг мусофирликда курган азобларини сезасиз. Аммо у хат

Алпомишга етиб бормаиди.

Алпомиш Қалдирғоч оймнинг тезлашлари билан йўлга чиқади. Ва Қалмоқ юртига

равона булади.

Достонда бутун бир элнинг сир-асрори бўлмиш урфодатлар кенг ёритилган. Имо-



БОЙЧИБОРНИНГ ИККИНЧИ НАЪРАСИ

Ботирим, силлагин сағри, белимни,
Юган так, уқала оёқ-қўлимни.
Эгарла, маҳкамла пушган, айилни,
Полвоним, кел миниб бошлаб
йўлингни.

Энди биз иккимиз бирга,
бир донимиз,
Икки дил бириккан биз бир
имконимиз.
Қамчи бос сағримга
ачитиб майли,
Сиз полвон, биз имкон
ушбу замонимиз.

Ботирим, Бойчибор жангдан
қочмаган,
Шу юртнинг бахти деб
нелар ичмаган.
Бугун кун сағримга қамчи
бос майли,
Мен тирик бор экан,
қонни кечмагин.

Қон кечсин туёғим Турон
деб майли,
Не кунлар кўрмадик
замоннинг зайли.
Тур ботир, ҳақ излаб
жангга кирайлик,
Шиддат қиличини белингга бойла.

Бу сарқит дунёда малъун ҳали кўп,
Нодону, мижғову, сотқин
тало-тўп.
Бизга жанг майдони етиб ортади,
Юртда қолар экан бир бегона чўп.

ишорадан тортиб, сипоҳийлик, ички тортинчоқликлар бунга мисол: Алпомишнинг Қоражон билан учрашиши, у билан дуст тутиниши...

Достондаги Бойчиборнинг таърифини фақат узбексана десак булади.

Бир нарсани айтиб утиш керакки, туркийлар алоҳида оқ отга меҳр қўйишади, бу тарздаги отларни илоҳий деб билишган. Аммо «Алпомиш»да оқ от берилмаган. Бойчибор-олачипор. Кейинчалик қалмоқ алпларининг оти саман сариқ ва бошқа рангли отлар айтиб утилади.

Бундай олиб қараганда нафақат Алпомишнинг оти,

Гуруглининг оти ҳам оқ эмас. Унда ҳам Гиркўк берилган. Бу деган суз, оқ отларни шоҳлар минган. Туркий шоҳларнинггина отлари оқ берилган.

Болажонлар, сузга чанқоқ яшанг, деймиз. Суз эшитганда, унинг маъносини англашга қизиқиб яшанг, деймиз. Яқин-яқинларда тарих китобларингиз саҳифаларидан Ирқи хоқон, Ирқи битиклар жой олади. Уша пайтлари сиз болажонлар, Ирқи сузларига эътибор беринг. Чунки муғул ва бурятлар ҳозирги Иткуток атрофидаги халқларни ирқи бурятлар деб юритишади. Иркутск сузининг узи ҳам уша ирқ сузларидан қолдиқлар булса керак...

Тарихни урганар экансиз, Широқ ва Тумарис, Зарина ва Зеварахонларни унутманг. Ҳасан батрак ва Очил давни ёд билсангиз ёмон булмайд.

Сиз бу ҳолда нафақат достон, унинг фойдали томони суз, афсона, тарих ширасидан баҳраманд буласиз.

**Турк тилини ўрганинг,
чунки
уларнинг ҳикматлари
узоқ яшайди деб,
Маҳмуд Қошғарий бобомиз
бежиз айтмаганлар
Сизнинг
«Тонг Юлдузи»нингиз.**



ШОҲ + РУҲ

Амир Темурбобомиз шахматга жуда ишқибоз булган эканлар. Кунлардан бир куни саркарда бобомиз шахмат уйнаб утирганларида, навкарлар келиб, угил курганликларини айтишди. Айни вақтда бобомиз от билан шоҳ — руҳ деб, уйинни ютиб турган экан. Угил курганидан ҳамда чиройли юриш қилиб уйинни ютганидан хурсанд булган Амир Темур «Уғлимнинг исми Шохруҳ булсин», дебдилар.

Менга ҳам дадам шахмат уйнашни ургатаптилар. Жуда қизиқ экан. Сизлар ҳам урганинг. Уйлайманки, қи-

зиқиб қоласиз.

Оқ ва қора доналар ун олтитадан, яъни 1 та «шоҳ» 7 дона «спох»лар 8 дона «пиёда»лар (пешка) дан иборат булиб, шахмат тахтасида қарама-қарши тахланар экан.

Шахмат доналари қуйидаги тартибда терилади:
оқлар: — шоҳ «e 1»

фарзин «d 1»
туралар — «a 1»; «h 1»
филлар — «c 1»; «g 1»
отлар — «b 1»; «g 1»
пиёдалар — «a 2»; «b 2»
«c 2»; «d 2»; «e 2»; «b 2»; «g 2»; «h 2».

Ёзилиш тартибига алоҳида эътибор беринг. Чунки шахмат буйича бош қопирма ва саволларда аввал оқ доналар тартиб буйича, сунгра қора доналар шоҳдан бошлаб пиёдаларгача манзилпоҳлари берилади.

Сизга ургатиб, узи ҳам урганаётган тенгдошингиз:

**Искандар ОДИЛОВ,
Ҳамза туманидаги 206-
мактаб ўқувчиси.**

Укам Ашраф куп нарсага эди. Яқиндан бери эса шахмат уйнашни урганияпти.

Телевизорда мультфильм курсатилса, ми-

АШРАФ БИЗНИ ИШОНТИРДИ

риқиб томоша қилади. Уртоқлари билан футбол уйнайди. Уйда китоб, журнал уқийди. Дадам ва менинг ёрдамимда машинкада ёзишни ҳам урганияпти. У ҳозир Мухтор Мухаммадий номли 26-мактабнинг 3-«А» синфида уқийди. Утган йили шашкани урганиб олган



Шу кунларда укам ёш техниклар ижодий марказидаги шахмат-шашка тугарагида Бахтиёр акадан сабоқ олаяпти. Синфдошларидан Бехзод Турсунов, Аброр Қодиров ва Малик Неъматовларни ҳам тугаракка жалб қилди.

Навруз байрами арафасида шаҳримиздаги Муқимий номли маданият ва истироҳот боғида утказилган ёш шашкачилар мусобақасида қатнашди. Ва фахрли иккинчи уринни олди.

Уйга келиб эришган ютуғини айтиб берганида ҳаммамиз қувондик. «Янаги сафар, албатта биринчи уринни оламан», — деб бизни ишонтирди. Укам Ашрафга омад тилайман.

**Дурдона ВАЛИХОНОВА,
Кўқон шаҳридаги 9-
мактаб-интернатининг
7-«В» синф ўқувчиси.**



ШАШКА ЎЙИНИ ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?

Бу уйинни қадимги Мисрда бундан беш минг йил аввал уйнашган. Сунгра у омалашиб, қадимги Грециядан Римга утган. У вақтда шашкани 12 кишидан булиб уйнашган. 1547 йили бу уйин ҳақида китоб чоп этилиб, унда уйнаш қоидалари баён қилинган.

Бугунда фикрни теранлаштирадиган, асабни тинчлантирадиган шашкани ёшу— кексалар севиб уйнашади.



Нилуфаргул — гул эмас, йигит эди.
— **Висолимга** сенинг ўзинг
ет, — деди.
Қанча-қанча ол юзларни ёндирди,
Соҳибжамол гул қизларни
ёндирди!

Яшар экан катта ўрмон ичиди,
Юлдуз қизлар ой йигит илнжиди,
Уй-жойини ташлаб бунга
келганди,
Тондан топиб қаро тунга
келганди!

Нилуфарнинг таҳқирига учрашиб,
Таҳқиргамас шум «тақдир»га
учрашиб,
Телбанамо кезиб юрар эдилар,
Яшамокдан бешиб юрар эдилар!

У қизларнинг орасида бир қиз бор,
Бу оламда қанча ақл ва эс бор,
Хусики бор — бари унда мужассам,
Қалам-қоғоз етмас таърифин
ёсам!

Нилуфарга ошиқ бўлган кунидан,
Ажратолмай қолди
кунини-тунидан.
Ёлғиз фарзанд эди ота-онага,
Ғаму-ҳасрат етди ота-онага...

Қиз ўстириб қанду-бол
тотмадилар,
Ёшин яшаб, ош ошаб ўтмадилар,
Қиз дардида куйиб гадо бўдилар,
Фироқиди охир адо бўдилар.

Бу гадолик — фарзанди дийдорига,
Кўп умид-ла устирган Дилдорига.
Дилдор эса ишқ аро зангиб кетди.
Нилуфар деб ўрмонга сингиб
кетди.

Хайри-хўш ҳам демай ота-онага,
Парваршилаб ўстирган парвонага,
Хусн ато этган, ақл-хўш берган,
Асосийси, бу оламга келтирган —

Ота-она — бўзлашиб қолаверди.
Қизларини излашиб қолаверди.
Ҳаммасини ташлаб келган

қизгина,
Кўплар кўзин ёшлаб келган
қизгина

Ишқ йўлига тушиб қадрсизланди,
Меҳр истаб, меҳр дея изланди.
Нилуфарнинг йўллари га сув сепди.
— **Бу лойсарлик қизик,**
қайқдан кепти?

Йигит ушбу сўзни бепарво айтди.

Овози-ла ўз сеҳрини бойитди.
Дилдор уни гапиртирмоқ ишқиди,
Самарасиз, аммо беҳад иш қилди.

Даста гуллар териб тўқди пойига,
Пар тўшақлар тўшади хоб
жойига,
Унинг учун ажиб энгил тўқиди,
— **Бу энгилни қайси сингил** тўқиди?

Нилуфарнинг саволидан шод бўлди,
«**Бугун сингил деди, эрта...**»
Ед бўлди.
Қизгинага Нилуфарнинг сўзлари,
«**Ер экан дер қачон?**» дея бўзлади.

Меҳр истаб, меҳр излаб яшади,
Кушларни ҳам ҳатто қистаб
яшади:
«**Нилуфарим учун куйланг,**»
— **дея қиз,**

Бўлсада у олмади қиз кўнглини,
Бойлолмади Нилуфар-ла йўлини,

Таҳқиқларга чидай олмай
дод солди,
Ўрмон сари гўё кишаб от солди,
Қаргаб кетди йўл-йўлақай
йигитини,
Совуққон ул, қалби кесак
йигитини!

Қиз қарғиши ёмон бўлар жуда ҳам,
Нақд тескари замон бўлар
жуда ҳам,
Қизгинага ўтиб кетган эди бу,
Муҳаббатин нафрат этди энди у.

— «**Ўз-ўзинга мафтун бўлиб,**
ўлиб кет,
Хуснинг билан кўшилиб
қирилиб кет!»

Ўз хусни кўп уни куйга солди-да!
На ичгани, на егани куймади,
Бу булоқдан кетгани кўз қиймади.

Юм-юм йиғлаб ёш тўқди ўз аксига,
Шайтонларнинг васвасали
рақси-ла
Аниқроғи, қизларнинг қарғишидан,
Айрилди у бутунлай эс-хушидан.

Қиз ўрмонга сингиб кетгани каби,
Каптар каби потирлаб,
ёниб қалби.
Йигит тутди сир булоққа юзини,
Ва йўқотди бу тупроқдан изини!

...**Тонгда қизлар** кўшиқ
айтди йигит-чун,
Дилдора ҳам кулиб қайтди
йигит-чун,
Фироқ билан тонгини
оттирса ҳам у,
Қаҳри сўниб, ёниб шод турса ҳам у.

Кўёш ҳадя қилган кўйлақлар билан,
Булоқдайин ол юз-ойнақлар билан...
Лек йигитнинг тиригин
топишмади,
Ё жасадин гуллар-ла ёпишмади.

Изладилар, истадилар сарсари,
Турт тарафга тўзиб
кетди сўнг бар!

Лекин улар тинглашмади бир унни,
Англашмади йигит ҳолин шу кунни.

Кўшиқ айтар эди булоқда бир гул,
Бор-йўғидан айри, безабон буткул!
Чиройи деб чиройиллар оҳ урган,
Ўрмон аҳли қушлардек
чаҳ-чаҳ урган,

Ошиқ қизлар уволи тутган йигит,
Нилуфаргул —
гул бўлиб ўтган йигит!

КУМУШ

ГУЛ БЎЛИБ ЎТГАН ЙИГИТ

Муҳаббати ортиб бенихоя, қиз!
Ўзи шундай бўлар, қанча ялинсанг,
Ўзинг емай, ўзинг ичмай илинсанг,
Ҳамма яхши нарсалар унга десанг,
Ой чиқса ҳам, кун чиқса ҳам,
— **май, — десанг.**

Ҳадя этсанг бисотингда борингни,
Сен тортмайсан ёринг
эътиборини!

Балки, шундай қилишинг
шарт, дейди у,
Яхшилигинг билан ўзинг ейди у!

Шундай бўлиб чиқди: қизгина охир
Муҳаббатда чин, хунарда
ҳам моҳир,

Қўл кўйгандек гўё олий фармонга,
Кириб кетди қоп-қоронғи ўрмонга.

Кўп ўтмайёқ Нилуфар сувсаб қолди,
Сув ичгали дарё томон йўл солди.
Аммо шундоқ қаршида
бир булоқ,
Унга кўзгу тутиб турарди бироқ.

Ичмоқ бўлиб эгилди-ю дол қолди,
Қалби ёниб ўзлигидан йўқолди.
Кўрганида офтобжамол
бир қизни,
Кулса кулиб турган ажиб
сир юзини...

Тонг ўтирди, тун ўтирди олдиди,



«Ойнаи Жаҳон» — болаларга

СЕШАНБА, 21 АПРЕЛ
ЎзТВ — I дастур
9.20 «Олам ва одам».
9.40 «Темурнома». Видео-фильм.
10.05 Инглиз тили.
10.35 «Малоҳат дарсхонаси».
11.00 «Лоф уришга ким уста» мультфильм.
12.30 Кундузги сеанс. «Одам амфибия». Бадиий фильм.
18.10 Болалар учун «Табиат шайдолари».
20.10 Оқшом эртаклари.
ЎзТВ—II дастур
18.15 «Ерилтош». Мульттуплам.
18.35 Ёввойи ҳайвонот олами.
ЎзТВ — IV дастур
18.50 «Мульттомоша».
19.05 Сен ҳақингда ва сен учун».

ЧОРШАНБА, 22 АПРЕЛ
ЎзТВ — I дастур
9.40 «Темурнома». Видео-фильм.
10.05 «Юртим жамоли».
10.20 «Чемпион билан учрашув».
10.35 «Оламни асранг».
11.00 «Мақтанчоқ филча». Мультфильм.
11.10 «Шоирлар — болаларга».
12.05 «Бармоқлар сеҳри».
12.35 Кундузги сеанс. «Туттиқушли хоним». Бадиий фильм.
18.10 «Акс садо ҳақида эртақ». Мультфильм.
18.20 Болалар учун. «Компьютер сабоқлари».
20.10 Оқшом эртаклари.
ЎзТВ — II дастур
18.15 Жаҳон халқлари эртаклари.
ЎзТВ — IV дастур
18.50 «Мульттомоша».

20.10 «Дунё ва болалар».
ПАЙШАНБА, 23 АПРЕЛЬ
ЎзТВ — I дастур
9.05 «Устоз ва мураббий».
Оқилхон Шарофутдинов.
9.40 «Темурнома». Видео-фильм.
10.05 Янги алифбони урганизми.
11.20 «Алпомиш авлодлари».
12.05 Мультфильм.
18.10 Болалар учун. «Доно бо-бо даврасида».
20.10 Оқшом эртаклари.
ЎзТВ II дастур
18.15 «Эркатой». Болалар учун дастур.
19.00 «Катта танафус». Телеуейин.

Уқитувчи, устоз, мураббий сузларининг ҳар бирида олам-олам маъно мужассам. Катта ҳаётга қадам қўйган, ундан уз урнини топган инсон борки, ана шу сузларни эшитганда оёққа қалқиб, таъзим қилади, бош эгади. Оқилхон Шарофутдинов ана шундай инсон, қалби дарё устоз — мураббий эди.

Агар улар ҳаёт булганларида табаррук 100 ёшга тулар эдилар. Оқилхон Шарофутдинов 1936 йилда Республика маорифчилари орасида би-

ЎзТВ — IV дастур
18.50 «Мулттомоша».
ЖУМА, 24 АПРЕЛ
ЎзТВ — I дастур
9.15 Болалар учун. «Ёш улкашунослар».
9.40 «Темурнома». Видео-фильм.
10.35 Сихат-саломатлик.

12.40 «Ғаройиб воқеа». Мультфильм.
14.10 Кундузги сеанс. «Омад ҳамиша келавермайди». Бадиий фильм.
18.10 Болалар учун. «Гулгунчалар».
18.30 «Ёруғ олам кузгуси».
20.10 Оқшом эртаклари.
21.00 «Иқтисод алифбоси».
ЎзТВ — II дастур
18.15 «Бугуннинг боласи».
ЎзТВ — III дастур
20.40 «Моҳир». Телекурсатув.
ЎзТВ — IV дастур
18.50 «Мульттомоша».
ШАНБА, 25 АПРЕЛ
9.00 «Шоҳруҳ клуби».
9.20 «Темурнома». Видео-

УСТОЗ ВА МУРАББИЙ

болалари» каби китоблари кейинчалик «Алифбе» китобига асос бўлди. У бугунги кунда 30 марта қайта нашр эттирилиб, қарийб 60 йилдан бери болаларнинг сеvimли дарслигига айланиб келяпти.

Меҳнат қахрамони, Республикада хизмат курсатган уқитувчи Оқилхон Шарофутдиновнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти, таваллуд топган кунларига бағишланган курсатувни 23 апрел кунни соат 9.05 да қуришингиз мумкин.

ринчилар қаторида «Ўзбекистонда хизмат курсатган уқитувчи» деган фахрий унвонга сазовор булган эдилар.

Оқилхон Шарофутдинов фақат Ўзбекистонда эмас балки Марказий Осиё Республикаларида ҳам машҳур.

Устоз мураббийнинг кичик ёшли уқувчилар учун 1929—1930 йилларда ёзиб, нашр эттирган «Билим ва меҳнат», «Меҳнат


фильм.
9.40 «Меҳри дарё».
10.10 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
10.50 «Катта танафус». Телеуейин.
11.15 Ўзбектелефильм на-мойиш этади. «Муаллим». Видеофильм.
13.40 «Яшил чироқ». «Телемусобақа». Курсатувда Жиззах ва Нвойи вилояти ёш йул назоратчилари куча ҳаракати қондалари буйича беллашадилар.
14.20 Кундузги сеанс. «Бу шунақа уйин». Бадиий фильм.
18.00 Болалар учун. «Санъат гунчалари».
19.50 Оқшом эртаклари.

ЎзТВ — IV дастур
10.30 «Шанба эртаги».
18.50 «Мульттомоша».

ЯҚШАНБА, 26 АПРЕЛ
ЎзТВ — I дастур
8.25 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
12.15 «Тилла тухум». Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқа театрининг спектакли.
14.10 «Қувноқ стартлар». Телеуейин.
18.00 «Қушигим-жон қушигим». Курсатувни Ўзбекистон халқ артисти Шермат Ёрматов олиб боради.
20.00 Оламга саяҳат. Кинокурсатув.
ЎзТВ — II дастур
8.00 Боланинг тили.
9.15 Саргузашт фильмлар экрани. «Геракл саргузаштлари».
12.05 Болалар учун «Сеҳрли халқа».
16.35 «Мультпанорама».
18.15 «Буш утирма».
18.35 «Синфдош».
20.00 «Кенгга кенг дунё».
ЎзТВ — IV дастур
9.00 «Хайрли тонг!».
9.55 «Эртақларнинг сеҳрли олами».
14.30 Жонли сайера».
16.50 «Сенинг вақтинг».
18.45 Мульттомоша.

Бу ҳафтада сиз томоша қиладиган кўрсатувларингиз ана шулардан иборат. Кўрсатуви-миз ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларингизни ёзиб юборинг.

Тоҳир МУЛЛАБОЕВ,
Ўзбекистон
телевидениеси
«Болалар» Бош
муҳарририяти гуруҳ
раҳбари.



БАҲС ФИКРЛАШГА ЧОРАЛАЙДИ

**Миразиз МИРОБИДОВ:**


-Биз ҳафтасига 38 соат ўқиймиз. Афсус, шу соатларда ҳуқуқий, иқтисодий билимни етарлича ололмаймиз. Президентимизнинг китобларида: «Ўқув режаларида ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий фанлар етарли ўрин олган эмас. Инсон аввал ўзлигини, ҳуқуқини англаётгани лозим», - деган фикрлари айни муддао.

**Нодир ТОЖИБОЕВ:**

- Мен олийгоҳлар қошида махсус лицейлар очилаётганидан жуда хурсандман. Бу бизларни ўзимиз танлаган олийгоҳларга киришимизга катта ёрдам беради. Мактабда жуда кўп фанлар ўқитилади, лекин аниқ бир касб ёки ҳунарга йўналтирилгани кам. Мен 10-11-синфда ўзим танлаган касбга оид фанларни ўқишни истардим.

**Отабек АБДУЛЛАЕВ:**

- Китобдаги «Ўз фикрини она тилида равон, гўзал ифода эта олмайдиган матахассисни бугун оклаш қийин», - деган фикр мени ўйлантириб қўйди. - Келгусида шарқшунос бўлиш ниятим бор. Лекин унга етишишдан аввал она тилимни мукамал ўрганишим керак экан-да. Ўзим кўп китоб ўқиганим билан, дадил, эркин гапира олмайман. Ҳозир устозларимдан нотиклик сирларини ўрганипман.

**Камолиддин ХУДОЕВ:**

-«Таълим ҳақидаги қонун»да кўрсатилгандек касб-ҳунар коллежлари аввалги ПТУлардан фарқ қилиши керак экан. Илгари ПТУларга мактабда яхши ўқимайдиган, хулқи пастроқ ўқувчилар мажбурий касбларга ўқитилган. Касб-ҳунар коллежларида эса бизларга танлаган касбимизни ўргатишар экан. Ҳозирча мен мактабда ҳайдовчилик курсларида ўқияпман. Кейинроқ яна бир касбни эгаллаш ниятим бор.

**Нодира САРИХЎЖАЕВА:**

- Китобда «Камолот», «Умид», «Улугбек» жамғармаларининг таълим-тарбия соҳасидаги ишлари алоҳида таъкидланган. Истардимки, бу жамғармалар мактаб кутубхоналарига китоблар совға қилишга, мактабларни газета-журналларга обуна қилишга ёрдам беришса хурсанд бўлардик.

Мактабимиз ўқувчилари билан Президентимиз И.А.Каримовнинг «Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» китобчаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Таълим тўғрисидаги қонуни билан батафсил танишибгина қолмай мунозаралар ўтказдик.

Муаллиф «Дарсликларда миллат фикрининг, миллат тафаккури ва миллат мафкурасининг энг илғор намуналари акс этиши керак эмасми?» - деган ҳақли талаб

қўйганлар. Ҳақиқатдан ҳам, айрим дарсликлар бу талабга жавоб бермайдилар. 6-, 7-, 8-, 9 - синф «Она тили» дарслиги қондаларни ўргатиб, машқлар ечишга мосланган. Ўқитувчи мавзунини тушунтириб бергандан сўнг ўқувчи машқ ёзиб баҳо олаверади. Бу кимга фойдаю, натижаси қандай? Машқ ишлаган ўқувчи фақатгина қондан ёд билади, аммо нутқи равон эмас. Ўзбекистонда лутф, қочирим, аскияга йўғрилган гўзал иборалар тузишни билмайди. Чунки дарсликларда булар ёритилмаган. Албатта ўқитувчи изланувчан, ижодкор бўлса, фақатгина дарсликка суяниб қолмай, мустақил, ноанъанавий дарслар ўтиши мумкин. Лекин ўқитувчида ундай қобилият бўлмасми? Бундан албатта фарзандларимиз зарар кўрадилар.

Мактабимиз ўқитувчилар жамоасига китобдаги «Етук савияли ўқитувчиларни тайёрлаш бўйича махсус фонд ташкил этиш керак», - деган таклиф маъқул тушди. Бу фонд орқали ёш, изланувчан ўқитувчиларга чет элларда малакаларини ошириб, билимларини мустаҳкамлашга имкон туғилсин. Қуйида ўқувчиларимизнинг китоб ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари билан танишасиз.

Маҳмуда ВАЛИЕВА,
Тошкентдаги 274-мактаб муаллимаси

Хайри ИСОҚЖОНОВА:

- Китобчадаги «Болаларимизга қачондан бошлаб, қандай қилиб, қандай усулда ва услубда миллий қадриятларимиз ва одатларимизни ўргатишимиз керак», - деган гаплар менга ва барча тенгдошларимга маъқул келди. Чунки бугунги қизлар миллийликдан узоқда. Оддий мисол: атлас кўйлак ва дўппи кийишдан уяламиз.

Сочларимизни майда ўриб юришни-ку гапирмаса ҳам бўлади. Ўзбек қизига ҳос одоб-ахлоқни билмаймиз. Менимча, чизмачилик, ашула, жисмоний тарбия дарсларини қисқартириб, меҳнат, одобнома дарсларининг соати кўпайтирилса, унда бизлар бувиларимиз ҳунарларини ўргансак. Ўзлимизни қанча тез англасак шунча фойда.

**Гулнора МИРАЛИЕВА:**

- Мен Ўзбекистон радиосининг «Келажак тонгги» болалар эшиттириши суҳбатиниман. Авваллари биз тайёр матнни ўқиб берардик. Ҳозир эса тайёр матнга ўзгартириш киритиб, бир оз таҳрир ҳам қилиб ўқияпмиз. Чунки қуруқ ўқиш билан кифояланиб қолмай, мустақил фикр-лаш, содда ва гўзал қилиб ифода этиш ҳам зарур экан. Китобни ўқиб шуни тушундимки, агар бизлар эркин фикрлашни ўрганмасак, олган таълимларимизнинг самараси пасайиб кетаверар экан. Шунинг учун бўлса керак баҳс, мунозарали дарсларни ёқтираман. Айниқса адабиёт дарсларида ўқиган асарларимизни муҳокама қилишимиз, унга кичик тақризлар ёзишимиз орқали нутқ маданиятини ўстиряпмиз.

**Дилноза ТОЖИБОЕВА:**

- Ҳозирги кунда кўпчилик тенгдошларимиз чет тилларни ўрганишга ҳаракат қилмоқдалар. Афсуски, бизда инглиз тили ўқитувчилари кам, қўшимча дарслар ўтиш учун репититорлар ҳам топа олмаяпмиз. Чет тилларни ўзлаштиришимизда мактабимизда имкониятлар яратилишини истардик.



ТАҲРИРИЯТДАН: Азиз ўқувчилар. Юртбошимиз Ислам Каримовнинг «Баркамол авлод Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» китобчаси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги қонуни юзасидан тенгдошларингизнинг фикр мулоҳазалари билан танишдингиз. Улар, албатта, устозлари бошчилигида ўзлари учун фойдали баҳс-мунозарани ўтказишибди. Уларнинг Президент китобини ва таълим тўғрисидаги қонунни чуқур ўрганганликлари фикрлари, муносабатлари, истакларидан сезилиб турибди.

Азиз болалар! Сизнинг мактабингизда ҳам шундай долзарб мавзуда баҳслар, мунозарали кечалар бўляптими? Устозларингиз замон билан муносабатларингиз? Таълим ҳақидаги қонундан хабарлари борми? Шундай давра суҳбатига асосланган сурат ва мактубларингизни кутамиз.

Тоҳир Бекмурод ўгли Раҳматуллаев Тошкентдаги 42-гимназияда ўқийди. Бу йил 7-«а» синфини битиришти. Барча фанлардан фақат «аъло» баҳо олади. Инглизлар билан бемалол (таржимонсиз) гаплашади. Мен Тоҳирни 1992 йилдан бери танийман. У пайтлари биринчи синфда ўқирди: оилада кенжатоё бўлгани учунми, ҳар тугул, дадаси доим эргаштириб юрарди. Иккита акаси бор: акалари эгизак — яъни, Ҳасан ва Хусан. Тоҳир кўпроқ Хусан акасини яхши кўради. Лекин, Ҳасан акасини ҳам



жиддий ҳурмат қилади. Дадаси Ўзгандан, аяси эса Марҳаматдан (Андижон).

— Ўзингиз қаерликсиз?
— Тошкентликман, — дейди Тоҳир.
— Йўғ-э, ҳеч бўлмаса, фарғоналикман, демасизми? — Тошкентда туғилганимдан кейин тошкентлик бўлмайманми? — деб қошларини чимиради Тоҳир.
— Тўғри, — дейман жид-

дий оҳангда. — Болтиқбўйи республикаларида фуқаролик масаласида жиддий тортишувлар бўлаётганини биласизми?

— Хабарим йўқ.
— СССРдан биринчи бўлиб Болтиқбўйи республикалари «ўз хоҳишлари»га кўра ажралиб чиққанини билсангиз керак?

— Қайдам. Мен у пайтлари ёш эдим.
Дарвоқе, у пайтлари Тоҳирчик эндигина биринчи синфга бориш учун тайёргарлик кўрарди. «Халқ ноиблари» нима учун ярим кечагача жанжал қилаётганини тушунмасди.
Мавзунини ўзгартиришга тўғри келади. Нега деганда, Тоҳир менинг илмоқли саволларимга айлантир-

масдан жавоб берарди.
— Мактабингиз бирорта қаҳрамоннинг номидами? — деб сўрайман.
— Илгари Чапаев номида эди. Ҳозир номсиз.
— Чапаев ким бўлганини биласизми?
— Билмайман.
— Ие, Чапаевни ҳам билмайсизми?!
— Чавандозлик буйича жаҳон чемпиони булса керак...
— Шунақароқ, — дейман журттага. Бир ҳисобда шувравийларнинг миллий «қаҳрамони» бизнинг ёш авлоднинг онгидан чиқариб юборилганидан хурсанд бўлман. Лекин, етмиш йиллик давр тарихини, унинг сохта «қаҳрамонлари»ни ҳамма билиши керак, деб ҳисоблайман.
— Синф раҳбарингиз ким?
— Елсена Ивановна Жукова.
— Маршал Жуковнинг неварасими?
— Невараси эмас-у, аммо маршал Жуковни ҳурмат қиладилар.
— Синф раҳбарингиз қайси фандан сабоқ беради?
— Рус тили ва адабиётидан.
— Пушкиннинг кимлигини биласизми?
Тоҳир менга кулимсираб

назар ташлайди. Мен тишимнинг оқини курсатмайман. Боз устига, пешонамни тириштираман.
— Биладиди, — дейди Тоҳир.
— Пушкин шоир булган, — деб ўқитувчиси учун жавоб қайтаради.
— Мен Пушкиннинг касб-хунарини эмас, кимлигини сўраяпман?
— Исминими?
— Насл-насабини!
— Аслзода булган. Хотини ҳам аслзода эди.
— Пушкиннинг сочи нега жингалак?
— Офтобда куп юргани учун жингалак булиб қолган.
— Балки, бобоси офтобда кўп юргандир?
— Бобосини танимайман.
— Бўпти, Пушкиннинг кимлигини ўқитувчингиздан сўраб олинг... Лекин, тўғри жавоб берсин. Ўзимизнинг энг зўр шонимиз ким?
— Алишер Навоий.
— Ҳамза-чи?
— У ҳам зўр. Тошкентда Ҳамза номидаги театр бор.
— Тўхтанг, синфингизда нечта ўқувчи бор?
— Уттиз олтига. Нимаиди?
— Ҳеч нима, шунчаки сўрадим, холос. Қизлар яхши ўқийдими ёки ўғил болалар?
— Қизлар рус тили ва адабиётини, инглиз тилини ёмон билишади. Уғил болалар геог-

рафия, физика фанларидан уртача ўқишади.
— Дунёдаги энг чиройли қиз ким?
— Малика Диана эди.
— Синфингизда-чи?
— Шаҳноза.
— Шаҳнозанинг нимаси чиройли?
— Сочи узун, қошлари қора. Буйи новча.
— Ўзингиз ҳам новчасиз, шекилли?
— Комил мендан ҳам новчароқ.
— Ўзганга қачон бордингиз?
— Руза ҳайитида борганмиз.
— Мактабни битирсангиз ким бўлмоқчисиз?
— Адвокат буламан.
— Нега?
— Адвокат бегуноҳ одамларни оқлайди, ҳимоя қиладиди.
— Кўшиқ-пўшиқ эшитиб турасизми?
— Юлдуз Усмоновани яхши кураман. Турклардан Сардор Уртач яхши.
Шу пайт Ҳасан-Хусан хонага кириб қолди. «Нима ҳақда гаплашайпсизлар?» деб сурадилар. Мен Тоҳирга қарадим, Тоҳир ерга қаради.
— Шунчаки гаплашиб утирибмиз, — дедим.
Сўхбат мавзусини ўзгарди. Мен ноилоҳ ёндафтаримни ёпдим. Негаки, «давра сўхбати»ни дафтарчага ёзиб бўлмайди. Улгуриш қийин. Диктофон олиб юрмаганимдан афсусландим.
Бола БАХШИ

I-II аср бошларида яшаган қадимги юнон ёзувчиси Клавдий ЭЛИАНдан

Киреналик Аникерид чавандозлик ва арава ҳайдаш маҳорати билан машҳур эди. Бир кун у уз санъатини Платонга курсатмоқчи булди. Отларни аравада шундай усталик билан ҳайдардики, ҳар қайтганида гилдирак изи олдинги уз устига хатосиз тушарди. Йигилганлар йигитнинг маҳоратига қойил қолишди. Аммо Платон Аникериднинг бумашгулотини маъқулламади ва шундай деди: — Бундай арзимас нарсаларга берилган киши бирор жиддий иш билан шуғуллана олмайди, чунки унинг ақли майда-чуйдалар билан банд булиб, чиндан ҳам ажабланишга арзимайдиган нарсаларни сезмайди.

Аристон ўгли Платон ешлигида шеърят санъатига кунгил қуйган ва эпик поэма-лар ёзганди. Кейинчалик, Гомер асарлари олдида узники анча буш эканлигини сезгач, уларни ёқиб юборди. Шундан сўнг Платон трагедия жанрига мурожат қилди ва театралогия яратди. Бу асари билан мусобақаларга қатнашишга аҳд қилди ва уни актёрларга берди. Аммо Дионисий байрами яқинлашган кунларда у тасодифан Сократ нутқини эшитиб қолди. Платон шу дақиқада қарорини ўзгартирди. У демократик мусобақаларда қатнашишдан воз кечибгина қолмай, шеърятни бутунлай ташлаб юборди ва уз умрини фалсафага бағишлади.

Кунлардан бир кун клазоменлик Аниксагор дустлари билан қизгин сўхбатлашиб турганда, қандайдир одам яқинлашиб келди ва унинг иккала ўғли ҳам улганлигини айтди.
Аниксагор бамайлиҳотир:
— Мен вақти келиб олиш керак булган одамларни дунёга келтирганимни билар эдим.
Филипп ўгли Александр ешлигида кифара чалишни ургана бошлаган эди. Бир кун уқитувчи унга қўшиқ оҳанги талаб қилган торга таёқча уришни буюрди. Александр эса бошқа торни курсатиб деди:
— Агар мана бунга урсам, нима узгаради? Мамлакатни бошқаришга тайёрланаётган киши учун ҳеч нима, чинакам маҳорат билан чалишни урганмоқчи булган киши учун эса куп нарсга узгаради...

Турт ешли Азизбек болалар боғчасининг эшиги тагида велосипеддан тушиб қоларкан, дадасига деди:
— Дада, аямниям кичкиналиклариди шу боғчага олиб келармидингиз?
Олти ешли Юлдузхоннинг стаканидаги чойига қўшиқ солиб қуйган акаси шундай деди:
— Ана, Юлдузхон, кумуш қўшиқ чойингиздаги микробларни улдиради, кейин касал бўлмайсиз.
Юлдузхоннинг лаби осилиб, аччигланди:
— Мен энди улган микробларга тула чой ичманми? Ичмайман...



ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ КҮМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»
ХАЛҚАРО ХАЙРИЯ ЖАМФАРМАСИ

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА

ТАҲРИР ХАЙЪАТИ:

Муртазо СУЛТОНОВ,
Жаббор РАЗЗОҚОВ, Гулнора
ЙУЛДОШЕВА, Хотам АБДУ-
РАИМОВ, Инқилоб ЮСУП-
ОВА, Дадахон ЁҚУБОВ,
Миршохил МИРҲАМИДОВ,
Суннатилла ҚУЗИЕВ, Феруза
ОДИЛОВА.

«ЁШ ИҚТИСОДЧИ»

ИЛОВАСИНИ ТАЙЁРЛАГАНЛАР:
Музаффар ПИРМАТОВ,
Асқар ШОКИРОВ,
Равшан ҚАМБАРОВ,
Маҳлиё МИРСОАТОВА.

IBM компьютериди терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ Буюртма — Г -011136. 46.496 нусхада босилди. Қоғоз бичими — А-3. Босишга тошпириш вақти 19.00 Тошпирилди — 18.30 Навбатчи: Нилуфар ДАВИДОВА

• Руйхатдан утиш тартиби № 000137
• Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кучаси, 32-уй.
• Нашр курсаткичи: № 64563
• Телефон:
• 1-33-44-25
• 1-36-57-91
• 1-36-54-21